

Ақлнинг  
ўлчови —  
идрок.

Ўзбек халқ  
мақоли



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 20-noyabr, shanba № 91 (8324) ISSN 2010-6416

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАТАР ДАВЛАТИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қатар Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Солийнинг таклифига биноан 23-24 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Қатар ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисини шу йил 3 декабрда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кенгашда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси парламенти юқори палатасининг бўлажак ялпи мажлисида асосий масала Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзuidaги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис

Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги вазифаларни муҳокама қилишдан иборат бўлади.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокама-сига Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджетини, шунингдек, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислох қилиш ва либераллаштиришда, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда муҳим роль ўйнаши керак бўлган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритиш режалаштирилмоқда. «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Табий монопольлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги, «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-ҳамда 18-моддаларига ўзгартишлар ва

қўшимча киритиш ҳақида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.


Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида сенаторлар «Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати кўмиталари ва Девонининг тўртинчи ялпи мажлисни тайёрлаш ва ўтказиш борасидаги иш-ни мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Матбуот хизмати**

## ИЛМ ВА ХУНАР ҚАДР ТОЛГАНДА...



Тўрақўрғон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи республика ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги таянч ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Муассасада автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларини таъмирлаш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит ҳамда молия йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Бугун ушбу таълим муассасасида шинам ва ёруғ хоналар, энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютерлаштирилган ўқув машқ майдонларида чуқур билим эгаллаётган ёшларга дуч келасиз. Юртимиздаги барча таълим масканлари қатори Наманган вилоятидаги мазкур таълим муассасасида ҳам ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш учун барча шароитлар муҳайё.

(Давоми 6-бетда.)



## ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

Ўзбекистон Фанлар академиясида Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзuidaги маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Ватанимиз тараққиётининг янги ва юксак даврига оид вазифалар белгилаб берилганини алоҳида таъкидлади.

Мустақилликнинг ҳар бир йили асрларга тенг тикланиш ва тараққиёт йиллари бўлмоқда. Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» демократик давлат барпо этиш, иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш ва юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашда улкан муваффақиятлар асоси бўлди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробар, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани,

халқимизни ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатлари 5 баробар кўпайгани, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам иқтисодиёт тармоқларимиз барқарор ривожланаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида баён қилинган концепция бугунгача эришган ютуқ ва муваффақиятларимизни янада такомиллаштириш ва ривожланишнинг келгуси босқичлари белгиланган муҳим ҳужжатдир. Унда давлат ҳокимияти ва бошқарувини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ ва ахборот соҳасини ислох этиш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини такомиллаштириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ устувор масалалар ўз ифодасини топган.

Бу концепцияда илгари сурилган ғоялар ва фикр-мулоҳазалар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқи-

мизнинг фаровон келажагини таъминлаш, юртимизни тараққий этган илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Унда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш илм-фан соҳаси вакиллари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Мазкур йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадига Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий аттестация комиссияси, Давлат патент идораси тизимида махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурларда жамиятни инновацион ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини юксалтириш, жамиятни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашда илмий ихтиролардан самарали фойдаланиш, фундаментал фаннинг устувор йўналишларини белгилаш, малакали кадрлар тайёрлаш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгиланган.

**Баҳор ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири**

# БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида Ўзбекистонда юз бераётган туб ўзгаришларда таълим жараёнининг ҳамда одамлар савияси ўсишининг роли ва аҳамияти жуда катта эканлигини таъкидлаб айтганидек, «Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон таърибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда ноёб кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди».

Таълим соҳасида моддий техника базаси шакллантирилишини ҳамда ундан самарали фойдаланилишини таъминлаш, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётни такомиллаштириш, ёш авлодни жисмоний тарбиялаш ва болалар спорти соҳасидаги ишларни кучайтириш, ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини қуриш ва жиҳозлаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш учун қулай

шароитлар яратиш, фанни янада ривожлантириш, қобилиятли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг энг муҳим вазифаларидан қилиб белгиланган.

Ушбу Давлат дастурини бажариш юзасидан вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий давлат органлари томонидан тармоқ ва ҳудудий дастурлар қабул қилинган бўлиб, улар давлат томонидан марказлаштирилган тартибда молиялаштирилмоқда. Бунда таълим муассасаларида бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва молия интизоми талабларига риоя этилишига катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг 2010 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган мажлисида «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Мажлисида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазир-

лиги, унинг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий органлари томонидан мазкур қонун ижросини таъминлашга қаратилган норматив ҳужжатлар қабул қилинган ва чоралар кўрилган.

Ушбу вазирлик тизимида ҳозирги вақтда 17 мингдан ортиқ ташкилот ва муассаса иш олиб бораётган бўлиб, шуларнинг 10 мингга яқини умумтаълим мактаблари, 6 мингтаси мактабгача таълим муассасаси, 500 дан ортиги мактабдан ташқари таълим муассасаси, 300 таси болалар мусиқа ва санъат мактаби, 400 дан ортиги болалар спорт мактаби, 28 таси меҳрибонлик уйи, 16 таси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва 5 таси олий ўқув юртидир.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, мазкур қонун нормалари талабларига риоя этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини бажариш натижасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молияланган таълим муассасаларининг харажатлари 2009 йилда 2008 йилдагига нисбатан 67,6 фоизни ташкил этган, 2010 йилда эса бу кўрсаткични 2009 йилдагига нисбатан 80 фоизга кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Мактаб таълимини ри-

вожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағларидан 2004-2009 йилларда 8501 та умумтаълим муассасасида қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилган, шу жумладан, 351 та мактаб қурилган, 2470 та умумтаълим муассасаси реконструкция қилинган, 5680 та умумтаълим муассасасида капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бундан ташқари, 2009 йилда 6 та болалар мусиқа ва санъат мактаби реконструкция қилинган ҳамда 2010 йил охиригача 46 та ана шундай ўқув муассасасида қурилиш-тиклаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Шу билан бирга, мажлисида сенаторлар вазирлик ихтиёридаги муассасаларда қонун талабларини бузиш ҳоллари мавжудлигига эътиборни қаратдилар. Чунончи, биргина 2010 йилнинг 9 ойида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бoshqarmasi томонидан умумтаълим ва мактабгача таълим муассасаларида мингдан ортиқ молиявий ҳуқуқбузарликлар аниқланган. Шу муносабат билан мажлис қатнашчилари бун-

дан кейин шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича қатор таклифларни билдирдилар.

Муҳокама асносида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартибини белгилайдиган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун талабларини сўзсиз бажариш юзасидан қўшимча чоралар кўриши, бюджет буюртмаларини ва норматив стандартларни бериш муддатларига қатъий риоя этиши, шунингдек, бюджет маблағларидан қонунга қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланилиши учун таълим муассасалари раҳбарларининг масъулиятини ошириши зарурлигини таъкидладилар.

Муҳокама яқунлари бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мажлисида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Халқ таълими, Адлия, Молия вазирликлари, Бош прокуратураси, Марказий Банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

(ЎЗА)

## 8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilingan kun

«Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир», — дейди муҳтарам Президентимиз яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда демократик жамият барпо этиш йўлидан оғишмай одимлаётган эканмиз, бу борадаги ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини нечоғлик мукамал билиши ва қонунларга ҳурмат билан қарашларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Таъбир жоиз бўлса, амалдаги ва қабул қилинаётган қонунларимиз, меъёрий ҳужжатларимизнинг туб илди-зи Бош Қомусимизга бориб тута-шади. Эътироф этиш жоизки, Конституциямиз ўз мазмун-моҳияти билан инсон, унинг шаъни, ҳаёт фаровонлиги, тинч-осойишта турмуш кечиришини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилгандир. Хусусан, Бош Қомусимизнинг VI боб 22-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик

## ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ АСОСИ

кўрсатишни кафолатлайди», дея алоҳида зикр этилган. Бу қайдларни тилга олиб ўтишимнинг боиси ҳақиқатдан ҳам ўз мустақиллиги, ҳурматига эга бўлган мамлакатимиз фуқароларининг эркин ва осойишта турмуш кечиришлари қонун ҳимоясида эканлигини, бу эса ниҳоятда бебаҳо неъматлигини шуқроналик билан эътироф этишдир.

Конституциямиз бандларида «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатлар оқилона ечимини топган. Унда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига сadoқат ҳамда келажак авлодлар олдидидаги масъулиятни теран англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий таърибасига таяниш, демократия ва қонунийликка юксак ҳурмат билан қараш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, юртимиз фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Биз истиқлолга эришгандан сўнг ўтган қисқа фурсат ичида «Ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлини танлаб олган эканмиз, бун-

да қонун устуворлигига эришиш, инсон манфаатларини ҳимоя этиш давлатимиз сиёсатининг асосий диққат-марказида турди. Биргина ижтимоий-гуманитар соҳа ривожини учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробарга кўпайганлиги, оналар ўлимнинг 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлимнинг 3 баробар камайгани фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Ҳаёт — энг гўзал неъмат. Инсон умрига умр кўшилиши эса энг катта бойлик, фаровонлик, бағрибунликдан далолат беради. Мамлакатимиз фуқароларининг ўртача умр кўришининг 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, онадек буюк зот аталмиш аёлларимизнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етгани ҳеч бир муболағасиз юртимиздаги маъмурчиликнинг, одамларнинг соғ-саломат, завқ-шавқ билан меҳнат қилиб, роҳат-фароғатда яшашлари учун шарт-шароит, имкониятлар яратилганининг амалий ифодасидир...

Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, албатта қўлга киритилган муваффақиятлар халқимизнинг бирдам бўлиб меҳнат қилаётганлигининг

натижаси эканини англаган ҳолда, уларни кадрлаш ва янада ривожлантиришга ўзимизни бурчдор сезмоғимиз керак. Бугун биз буюк келажакни барпо этиш учун залворли одимлар ташлашдек бахтга, тўқисликка эришдик, лекин мамлакатимиз ташқарисида, дунёда юз бераётган воқеаларга назар ташламоқ бўлсак, катта-катта йўқотишлар, фожиаларга кўзимиз тушади. Уларни бир томошабин сифатида эмас, балки ақл кўзи билан кузатиб ҳулоса чиқариш эса муваффақиятларимиз бардавонлигининг асосидир. Зеро, Юртбошимиз яқиндагина қилган маърузаларида бежиз «...бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай хавф борки, у ҳам бўлса, авваламбор эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқелиқдан узилиб қолиш хавфидир», дея тўхталиб ўтмадилар.

Ишонаманки, ўз қонунларига ҳурмат билан қараш маданияти, маърифатга эришган фарзандларининг камоли, юрт фаровонлигини олий бахт деб билгувчи халқимиз зийраклик билан бир жону бир тан бўлиб буюк келажак сари янада даядил одимлайверади.

Лутфия САТТОВА,  
Навоний вилоят ПҚҚТМОИ  
Ижтимоий фанлар ва маънавият  
асослари кафедраси мудири

Бугунги кунда мамлакатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган таълим сиёсати шахс тарбиясига хизмат қилмоқда. Бунда таълим жараёнини фаоллаштириш, ўқитишнинг замонавий методикаларини қўллаган ҳолда шахсни ривожлантириш ва унинг ижодий имкониятларини оширишга катта аҳамият берилган.

Педагогика дидактика ва психология билан узвий боғлиқ фандир. Бу боғлиқ нафақат тадқиқот объекти (инсон, ўқувчи)нинг умумийлиги билан, балки умумназарий ҳолатларда, инсон табиятини тушунишда ўз аксини топиши билан ҳам муҳим. Таълим жараёнида шахсга йўналтирилган ёндашув авторитар педагогик усуллар ёндашолмаган масалаларни ўқитишда қўллашни ўз ичига олади. Бу эса замонавий асосларга қурилган педагогиканинг юзага келишига асос бўлди. Мана шундай янги педагогик қараш асосида мамлакатимизда «Таъ-

туралаш, интеграллаш, предмет мазмунини умумлаштириш асосида эгалланган кўникмаларни мустақамлашга ҳам йўналтирилиши; - ўқувчининг таълим фаолиятини ўзича баҳолаши, мустақил ўқиш, мустақил фикрлашга эришишини таъминлаш;

- ўқувчига топшириқнинг мазмуни, формасини аниқлашга имконият бериш.

Шахсга йўналтирилган таълим фақат натижани эмас, ўқиш жараёнини, ўқувчи ўқув материални қандай ўзлаштираётганини ҳам назорат қилишга кўмаклашади.

Шахсга йўналтирилган ёндашув тушунчалари қуйидагилар: индивидуаллик, шахс, мустақил фикрлаш, субъект, субъективлик, тажриба, билиш стратегияси, шахсни ривожлантириш траекторияси, концепция, ўқитувчининг ўқитиш усули. Ушбу жараённинг объектив зарурат эканлиги илмий-техник ривожланиш, жамиятни ахборотлаштириш ва техноло-

лайди. Ушбу жиҳат миллий маданиятимиз ва ҳозирги даврда таълим соҳасидаги олиб бораётган ислохотларимиз талабларига ҳамроҳдир. Модулли технологиянинг таълимдаги асосий моҳияти таълим олувчи шахс камолоти, мулоқоти, танқидий фикрлаши ҳамда ўзига хос индивидуаллигига асосланишидир. Шу билан бирга уларни ўқувчиларнинг фақат тайёр билимларни ўзлаштириш ва уларни такрорлашга асосланган анъанавий таълимга муқобил усул сифатида қабул қилиш мумкин.

Дарсларни ташкил этишда «ҳамма ўқувчилар бир хил», «ҳаммани бир хил ўқитиш лозим», «ҳамма бир хил натижага эришиши керак» қабилдаги тамойилларга амал қилинмаслиги даркор. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари турлича бўлганлиги учун уларнинг бир хил натижага эришишларини таъминлаш амалда жуда қийин масала. Шахсга

## СПИНТРОНИКА – ЭЪТИБОРТАЛАБ СОҲА

Профессор О.Қувондиқовнинг «Ma'rifat» газетасининг 2010 йил 11 ва 14 август сонларида чоп этилган ҳозирги замон фан ва технологиясида магнетизмнинг ўрни ва бу соҳада мутахассислар тайёрлашнинг долзарблигига қаратилган мақола-сида фаннинг янги соҳаси бўлган магнитоэлектроника ёки бошқача айтганда спинтрониканинг бугунги ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Мақолада кичик ўлчамли структуралар тайёрлаш технологиясида қўлга киритилган ютуқлар, квант-ўлчамли эффектга эга бўлган магнитли наногетероструктуралар яратишга имкон берилганлиги, нанотехнологияларнинг амалиётга татбиқ этилиши ва спинтроника қурилмаларининг физикавий ишлаш тарзлари, нанофизика ва нанотехнологияларнинг соҳаси сифатида спинтрониканинг ривожланиш истиқболлари ёритилган. Шунингдек, фаннинг янги соҳаси бўлган магнитоэлектроника бўйича республикамизда юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги муаммоларга ҳам эътибор қаратилган.

Материалларнинг янги синфи — магнитли ярим ўтказгичларнинг пайдо бўлиши билан магнит структураларнинг ярим ўтказгичли электроникага интеграцияси жадаллик билан юз бермоқда. Спинли электроника захирасидаги потенциал бутун дунёда физиканинг бу соҳасидаги тадқиқотларнинг фаоллашувига олиб келди ва XXI аср технологияси асосан спинтроникада эришилган ютуқлар билан белгиланиши дунёнинг етакчи олимлари томонидан башорат қилинмоқда.

Ярим ўтказгичли материаллар асосидаги асбоблар ҳаётга кенг татбиқ этилганига қарамай, талабалик йилларимизда электрон асбоблар фани бўйича ўтилган машғулотларда кўпроқ электрон вакуумли асбобларга урғу берилар эди. Ҳозирги даврда спинтроника қурилмалари жадал суръатларда амалиётга татбиқ этилаётганини ҳисобга олган ҳолда, мақола билан танишганимдан кейин, олий таълим муассасаларида талабаларга спинтроника фан сифатида ўқитилиши билан қизиқдим. Соҳа ўқув режасига киритилган бўлса-да, бу фан билан камсонли талабалар қамраб олинган экан. Ваҳоланки, бундай кадрларга ишлаб чиқариш корхоналарида, олий ўқув юртларида, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-текшириш институтларида, жумладан, институтимизда ҳам талаб сезилмоқда.

XXI аср ахборот технологиялари асри деб тан олинган. Ахборот технологияларининг асосий ускуналарида бири электроника ҳисобланади. Электрониканинг кейинги ривожланиши эса спинтрониканинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Республикамизда юқори технологияларга таянган ишлаб чиқариш корхоналари кўплаб қурилаётганини ҳам ҳисобга олсак, ҳозир ва келгусида нафақат электроника ва микроэлектроника, балки спинтроника соҳасини ҳам эгаллаган юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб ортиб бориши шубҳасиз. Бу борада мақола муаллифи келтирган фикрлар қимматли. Ўз навбатида, спинтроника соҳаси бўйича мутахассислар бор бўлган республикамиз олий ўқув юртларида бакалавр, магистр ва аспирантлар тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

**З.ИСАХОНОВ,**  
ЎзРФА Электроника институти катта илмий ходими

# «ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ»

**УНИНГ ЎЗИГА ХОС САМАРАЛИ ВА МУАММОЛИ ЖИҲАТИ НИМАДА? («Ma'rifat» 2010 йил 27 октябрь)**

лим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Улар қуйидаги бешта асосий ташкил этувчи бўгин — шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ҳамда ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, баркамол авлодни, шахсни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Табииyki, педагогнинг ҳар хил даражадаги билим, кўникма ва малакага эга ўқувчи билан ишлашига тўғри келади. Шу боис барча фанлар сингари физика фанини ўқитишда ҳам ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, имкониятларини ҳисобга олиш, физика таълими самарадорлигини таъминлашда турли педагогик технологиялардан фойдаланиш дарсларни ДТС талабларига мувофиқ ташкил этишнинг мақбул йўллари билан бири ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим фанларини ўқитиш жараёнида мустақил таълим услубиятини талаб даражада ишлаб чиқиш, ўқувчиларда турли манбалар билан ишлаш кўникмаларини етарли даражада шакллантириш, уларнинг берилган мавзуда амалий машғулотларни мустақил бажаришларига эришиш, шунингдек, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма усулда эркин ифода этишларини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Шахсга йўналтирилган таълим технологиясида ўқитиш жараёнининг тамойилларини, жумладан, тест, методик материаллар, тавсиялар, ўқувчи шахсининг ривожланишини назорат қилиш шаклини назарда тутган тарзда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- ўқув материали ўқувчининг субъектив тажрибасини аниқлашга қаратилган бўлиши ва дарслар фақат билимни оширишгагина қаратилмасдан, балки струк-

гиялаштириш, шунингдек, таълим тизимининг турли босқичлари хусусиятлари билан изоҳланади. Ўқитишни технологик таъминлаш илмий асосланган воситалар, ўқитишнинг янги рационал услубларини, машғулотларнинг ташкилий шакллари, ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаришга имкон берадиган педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллашга олиб келади.

Физика таълимини шахсга йўналтирилган таълимнинг модулли технологияси асосида ташкил этишнинг муҳим бир томони, у — анъанавий ўқитиш услубларининг ижобий томонларини сақлаган ҳолда янгиликлар киритиш имкониятини беради. Бундан ташқари, модулли ўқитиш технологияси фалсафий, психологик, педагогик моҳиятига кўра инсонпарварлик характериға эга. Мазкур технологиянинг инсонпарварлик характери фақат назарий ва миллий ғоя талабларига мос келиши эмас, балки амалий жиҳатдан маънавияти юксак, баркамол инсонни шакллантиришга йўналганлиги билан аҳамиятли. Физика фанини модулли ўқитиш технологияси таълимнинг тарбиявий характериғи кучайтириш, таълимда яхлитлик асосида тарбиявий мақсадларни амалга ошириш билан биргаликда алоҳида ҳолларда ўқув материални ўқувчиларнинг жамоа бўлиб, бир-бирига суяниб, ҳамкорликда чуқур ўзлаштиришини, уларнинг интеллектуал, ахлоқий ривожланишини, мустақил фикрлашини таъминлайди. Модулли ўқитиш технологияси таълим олувчилар орасида ижодий рақобат муҳитини ҳам яратиш, билимларни ўзлаштиришдан манфаатдорлик ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади. Бу синфхонада авторитар муҳитнинг барҳам топишини таъмин-

йўналтирилган педагогик технологиялар асосида ўқитишда (технологиясида ҳам, ўқитиш жараёнини ташкил этишда ҳам) қуйидагилар ҳисобга олинади:

— ўқувчилар хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш;

— улар ўзлаштира оладиган даражада ўқитишни ташкил этиш;

— ўқитиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро дўстона ҳамкорлиги;

— машғулотларда ўқувчиларнинг мустақил ишларини муваффақиятли ташкил этиш.

Бу ўқитиш технологиясининг ўқувчилар диққатини ўзига тортадиган дастлабки жиҳати дарснинг ташкилий хусусиятидир. Аксарият дарсларда бир хил кетма-кетликка кўникиб қолган ўқувчилар ўқув модуллари устида ишлаш жараёнида зимдан ўзаро рақобатни ҳис эта бошлайдилар. Бу уларда оқилона мотивациянинг пайдо бўлиши учун асосий турткидир. Ўқитувчи мазкур рақобатнинг ижодий бўлишини таъминлаши, ўқув жараёни доирасидан чиқиб кетмаслигини назорат қилиб бориши зарур. Ўқитувчи тезроқ ўзлаштираётган ва ортда қолаётганларни диққатидан қочирмаслиги, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан кўпроқ ишлаши, уларни баҳолашда адолатли бўлиши талаб этилади. Физикадан ўқув машғулотларини бошлашдан олдин ўқитувчи ўзида етарли тайёргарлик ва ишончни ҳис этиши лозим. Унинг ўқувчиларга бу технологияли ўқитиш бўйича қисқача маълумот бериши, ўқитишнинг кўпроқ афзаллик томонларини тушунтиришига тўғри келади. Ўқитувчи ўз билими, касбий маҳорати, мақсад сари интилувчанлиги, иш тажрибаси орқали мавжуд муаммоларни ҳал этиб боради.

**Гулбуви ЭШНАЗАРОВА,**  
Самарқанд шаҳридаги 54-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси

**ПОЙТАХТИМИЗДА «ЎРТА ОСИЁНИНГ  
ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЭКОЛОГИК МУАММО-  
ЛАРИ: УЛАРНИ ХАЛ ЭТИШДА ХАЛҚАРО ХУҚУҚ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ» МАВЗУСИДА  
ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди.

Анжуманда Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Испания, Италия, Канада, Хитой, Жанубий Корея, Голландия, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Швейцария, Япония каби 30 мамлакатдан экспертлар, олимлар, экологлар, БМТ, ЕХХТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон банки, Жаҳон ёввойи табиат фонди, Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи каби 60 дан ортиқ халқаро ташкилотлар ва молия институтларидан вакиллар қатнашди.

Конференция иштирокчилари томонидан Ўзбекистонда мустақиллик йилларида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, мамлакатимиз ва бутун минтақамизда экологик вазиятни яхшилашга катта эътибор қаратиб келинаётгани алоҳида таъкидланди.

**САМАРҚАНДА ОДАМ САВДОСИГА  
ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ВИЛОЯТ ИДО-  
РАЛАРАО КОМИССИЯСИ, ВОЯГА ЕТМАГАН-  
ЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАМДА НАРКОТИК  
МОДДАЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА КО-  
МИССИЯЛАРНИНГ ҚЎШМА ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ  
ЎТДИ.**

Мазкур комиссиялар аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда тегишли идоралар вакиллари иштирок этган тадбирда жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятда ушбу йўналишларда амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Йиғилишда вояга етмаганлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада фаоллаштириш, ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун уларни спорт ва фан тўғрисида кенг жалб этиш, касб-ҳунарга йўналтириш борасида таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

**ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ 45-УМУМТАЪЛИМ  
МАКТАБИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЕШТА  
ҲАРБИЙ СПОРТ СИНФИГА 180 ЎГИЛ-ҚИЗ  
ЖАЛБ ҚИЛИНГАН БЎЛИБ, УЛАР ҲАРБИЙ-ТЕХ-  
НИК СПОРТ ТУРЛАРИ, ЗАМОНАВИЙ АҲБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР  
БЎЙИЧА ЧУҚУР БИЛИМ ОЛМОҚДА.**

Кунги кеча мазкур ҳарбий спорт синфлари тарбияланувчиларининг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда халқ таълими тизими ходимлари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда юртимизда ҳар томонлама профессионал армияни шакллантириш, мамлакат мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш йўлида улкан ишлар амалга оширилаётгани, ҳарбийларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли ёшлар ўртасида ҳарбий соҳага қизиқиш ва интилиш тобора кучайиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОЛ-  
ЛЕЖИДА ЯНГИ БОҒЛАРНИ БАРПО ЭТИШ-  
ГА ҚАРАТИЛГАН КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР  
БЎЛИБ ЎТДИ.**

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги 170 дан ортиқ касб-ҳунар коллежлари директорлари иштирок этди.

Мутахассислар томонидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканлари атрофида янги мевали боғ барпо этиш юзасидан тавсиялар берилди.

— Мақсадимиз барча коллеж ва лицейлар атрофида янги мевали дарахт кўчатлари экиб, боғ барпо этишдан иборат, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси мутахассиси Саидрасул Остонов. — Коллежларимиз атрофида бунёд этиладиган боғлар халқимиз дастурхони тўқин бўлишига ҳисса қўшади. Худди шу таразда вилоятимиз микёсида 3 минг гектар боғ яратиш кўзда тутилмоқда.

Ҳақим ЖҰРАЕВ,  
"Ma'rifat" мухбири

**УРГАНЧ ТУМАНИДАГИ ЮКОРИ  
ДЎРМОН ҚИШЛОҒИДА ЖОЙЛАШГАН  
ВИЛОЯТ НОГИРОН БОЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАШ ЖАМИАТИ ТАРКИБИДАГИ 22  
НАФАР ЎГИЛ-ҚИЗ ТУРЛИ КЎРИК-ТАНЛО-  
ЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ, ГОЛИБ-  
ЛАР ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛМОҚДА.**

«Мафтункор ранглар дунёси» ва бошқа турли хилдаги суратлар ҳамда ёш ижодкорлар танловларида мунтазам қатнашиб келаётган жамият аъзоларининг ютуқларидан кўнгил қувонади.

— Ногирон болаларни касбга йўналтириш, компьютер саводхонлигини ошириш борасида ҳам фаолият кўрсатаёلمиз, — дейди жамият раиси Назира Сафарбоева. — Эндиги режаларимиздан бири жамият худудида «Болалар майдончаси»ни ташкил этишдир. Бу ерда жамиятимиз аъзолари мазмунли ҳордиқ чиқаришади, табиат манзараларидан, турфа гўзалликлардан баҳраманд бўлишади.

Ф.ТАНГРИБЕРГАНОВА



**ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ РАДИОТЕХ-  
НИКА ВА АВТОМАТИКА КАСБ-ХУНАР КОЛ-  
ЛЕЖИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПА-  
ЛАТАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ  
ҲАМКОРЛИГИДА ХУҚУҚ-ТАРТИБОТ ИДОРАЛА-  
РИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН «ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР  
ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ХУҚУҚБУ-  
ЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАД-  
БИРЛАРИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУХБАТИ  
ЎТҚАЗИЛДИ.**

Тадбирни коллеж директори А.Зокиров кириш сўзи билан очиб, ёшларни турли ташқи таъсирлардан огоҳ қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигига алоҳида аҳамият қаратиш лозимлигини таъкидлади. Давра суҳбатида, шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари, республика Маънавий-тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими ҳамда туман ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари иштирок этишди. Тадбирда сўз олганлар Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни аҳамияти ҳақида сўз юритишди.

Юлдуз ТОЖИЕВА,  
Тошкент радиотехника ва автоматика  
касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ШЕРАТОН» МЕХ-  
МОНХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ  
ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАР-  
КАЗИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИ, НОДАВ-  
ЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ МИЛЛИЙ  
АССОЦИАЦИЯСИ ХАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР  
ЖАМОАТЧИЛИК БИРЛАШМАСИ ҲАМКОРЛИГИ-  
ДА ОИЛАВИЙ КЎРГАЗМА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

«Миллий хунармандчилигимиз — миллий қадриятларимиз бардавомлиги кафолати» мавзусидаги бу тадбир асрлар давомида шаклланиб келган халқ амалий санъати ва бадий хунармандчилик анъаналарини сақлаб қолиш, касаначиликни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ўтказилиб, унда айнан шу йўналишда ижод қилаётган ўқувчилар, талаба-ёшлар иштироки ҳам таъминланди. Хусусан, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Гулноза Асранова ўз кўли билан яратган чиройли либосларини кўرғазмага тақдим этар экан, улардаги ўзига хос фасон ва безаклар томошабинларда қизиқиш уйғотибгина қолмай, янгидан-янги буюртмалар билан қайтди.

МУХБИРИМИЗ

**ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА ТА-  
НИҚЛИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК РАНГТАСВИР  
УСТАСИ ЮРИЙ ЗОРЬКИННИНГ «УЙФОНИШ»  
ДЕБ НОМЛАНГАН ШАҲСИЙ КЎРГАЗМАСИ НА-  
МОЙИШ ҚИЛИНМОҚДА.**

Рассом томонидан дастгоҳли рангтасвир, чизматасвир, акварелда турли йилларда ишланган 100дан ортиқ асарлар тасвирий санъат ихломандлари эътирофига сазовор бўляпти.

Ю.Зорькин ўзига хос ижодий йўналишга эга бўлган рассом, романтик ва файласуф ижодкор. Асарларининг кўп қисми, асосан, Ўзбекистондаги шаҳар ва қишлоқлар ҳаёти, оддий ишчилар, халқ санъати ва тарихига бағишланади. «Кечки Тошкент», «Сўғдиёна», «Баҳор», «Орол», «Буви-жоним нонлари», «Таласда куз», «Гултожиҳўроз» ва бошқа кўплаб асарлари ўзбек тасвирий санъат мактабининг мумтоз намуналарига айланган.

Кўрғазма 22 ноябрга қадар давом этади.

Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ,  
Ўзбекистон давлат санъат  
институтининг талабаси

**ЎҚУВЧИЛАРНИ АДАБИЁТ ВА ШЕЪРИЯТ-  
ГА ОШНО ЭТИШДА «ЁЗУВЧИ ДАРСИ»  
АДАБИЙ УЧРАШУВЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ КАТ-  
ТА. МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ 49-МАК-  
ТАБДА ЎТҚАЗИЛГАН «БОЛАЛИГИМ — ПОШО-  
ЛИГИМ» ТАДБИРИ ХАМ ЎҚУВЧИЛАРГА МАН-  
ЗУР БЎЛДИ.**

Болаларнинг севимли шоираси ва олима Кавсар Турдиева гап бўлаклари ҳақидаги эртак, кичкинтойларга бағишланган кувноқ шеърларидан ўқиб, даврани жонлантириб юборди. Сўнг ўқувчилар ҳам ижодкорнинг китоблари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди, шеърларидан ёд ўқишди.

М.ВАЛИЕВА

**РЕСПУБЛИКА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛА-  
РИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТҚАЗИЛАЁТ-  
ГАН «КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ПОЙДЕ-  
ВОРИ» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ АНДИЖОН,  
ФАРҒОНА ВА НАМАНГАН ВИЛОЯТЛАРИ БОСҚИЧИ  
БЎЛИБ ЎТДИ.**

Кўрик-танлов ўқувчи-ёшлар, қолаверса, ота-оналарнинг ҳуқуқий билимини ошириш, Конституциямиз мазмун-моҳиятини пухта ўргатишда муҳим аҳамият касб этади. Бош Қомусимизда белгилаб қўйилган инсонпарварлик, демократик ва адолатпарварлик тамойилларини ёзма ишларда, тасвирий асарларда, кўрғазмали воситаларда ифода қилиш эса ўқувчилар бу борада янада тейроқ билимга эга бўлишади.

— Барча таълим муассасаларида байрамолди ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда, — дейди Халқ таълими вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бош мутахассиси Равшан Эргашев. — Таълим муассасалари ва тадбир ўтказиладиган масканлар байрамона безатиляпти. Умумтаълим мактабларининг 2—4-синф ўқувчилари ўртасида «Ўзбекистон — жонажон Ватаним» мавзусида диктант, 5—9-синф ўқувчилари ўртасида «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Ўзбекистон келажаги — баркамол авлод қўлида» мавзуларида иншолар танлови ташкил этилди.

Тўрт босқичда ўтказиладиган кўрик-танловнинг вилоят босқичида туман ва шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритган ёшлар ўз билимларини намойиш этишди.

Азима ҚИЁСОВА,  
"Туркистон-пресс"

**КУЗГИ ТАЪТИЛДАН СЎНГ УМУМТАЪ-  
ЛИМ МАКТАБЛАРИДА РУС ТИЛИ ВА АДА-  
БИЁТИ ФАНИ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ. ТАЪ-  
ЛИМ ТУРЛИ ТИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН  
БАРЧА МАКТАБЛАРДА ФАН ОЙЛИГИНИ АВ-  
ВАЛГИ ЎҚУВ ЙИЛЛАРИДАГИ СИНГАРИ МАЗ-  
МУНАН БОЙ ЎТҚАЗИШ РЕЖАСИ ТУЗИЛГАН.**

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 213-умумтаълим мактабига тўпланган рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг диққат-эътибори ўзаро тажриба алмашувга қаратилди. Ушбу мактаб ўқитувчиси Дилбар Устоева «Рус тили ва адабиёти фанини ўқитишда мактабдан ташқари ишлар мавзусида маъруза қилиб, фан тўғрисида жалб қилиш, музей ва тарихий қадамжоларга саёҳат уюштириш орқали ўқувчиларда мустақил фикрни, нутқий маданиятни ривожлантиришга қаратилган ўз тажрибасини ҳавола этди. 294-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Наргиза Қодирова томонидан тақдим этилган дарс ишланмасида И.Криловнинг «Бўри ва кўзичоқ» масалини янги педагогик технологиялар воситасида ўрганишга алоҳида урғу берилди.

Ҳ.КУЗМЕТОВА

# БОЛА ҚАЛБИ — МЎЪЖИЗА

Инсон тарбияси — дунёдаги энг мураккаб ва масъулиятли, аини пайтда шарафли иш экани таниқли олимлар, ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган ўқитувчи ва педагоглар, ота-оналар, бутун жамият томонидан доимо эътироф этиб келинади. Ҳақиқатдан ҳам, инсон тарбияси бир кунлик, бир ойлик ёки бир йиллик иш эмас, балки ҳамиша давом этадиган машаққатли меҳнатдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислон Каримов «Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир», деб таъкидлайди.

Маълумки, тарбия тушунчасининг ўзи ҳам гоёят мураккаб ва серқирра бўлиб, унинг бир қанча шакл ва турлари бор. Лекин қандай кўринишда бўлмасин, тарбия масаласида инсоннинг қалби ва онги, ички дунёси доимо биринчи ўринда туради. Чунки тарбия, устоз томонидан айтилган сўзлар, билим ва тушунчалар инсон қалбига етиб бормаса, қутилган самарани бермайди, амалий ҳаракатга айланмайди. Дунёдаги энг машҳур донишмандлар томонидан, инсон тарбияси мураккаб, қалб тарбияси эса ундан ҳам мураккаб, деган сўзлар бежиз айтилмаган, албатта.

Айниқса, инсон қалбига таъсир кўрсатадиган моддий ва маънавий воситалар турли шаклу шамойилларда тобора кучайиб бораётган бугунги юксак техника ва технологиялар замонида қалб тарбияси долзарб аҳамият касб этмоқда. Агарда инсоннинг қалби мустақкам бўлмаса, ҳар қадамда «замонавий янгилик» ниқоби остидаги сохта нарсаларга алданиб қолиши ҳеч гап эмас. Юртбошимизнинг бутун дунёда инсон қалби ва онги учун кураш кетаётгани, шунинг учун ҳам бу борада ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлиш, фарзандларимизнинг юрагида турли зарарли таъсирларга қарши мустақкам маънавий имунитетни шакллантириш зарурлиги ҳақидаги даъватлари ана шундай ҳаётини ҳақиқатлардан келиб чиқиб айтилмоқда. Бу даъват бугунги кунда юртимиздаги таълим-тарбиянинг негизида туриши, шу соҳада меҳнат қилаётган

барча ўқитувчи ва педагог ходимлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши зарур.

Этибор берганмисиз, бола қалби бамисоли булоқ сувидек соф ва тоза. Улар тимсолида асл мўъжизани кўргандек бўласиз. Унинг беғубор тилидан баъзан катталарнинг хаёлига ҳам келмаган сўзлар, иборалар чиққанида, неча бор ҳайратланамиз. Албатта, бола қалбини забт этиш, унинг пок ҳис-туйғулари билан ошно бўлиш осон эмас. Бунинг учун ўқитувчидан билим ва тажрибадан ташқари, ўта сезгирлик, моҳир руҳшунос бўлиш ҳам талаб этилади.

Бола ўз ақлини таниши билан ён-атрофидан мўъжизалар қидириб яшайди. Унинг учун ўзи ётган бешиқдан ташқаридаги ҳамма нарса — ота-онаси, ака ва опаларининг овози ҳам, уларнинг қўлидаги буюмлар ҳам, хонадондаги уй ҳайвонлари ҳам ҳали

кашф этилмаган мўъжиза бўлиб туюлади. Табиийки, бола тарбиясига киришган инсон ана шу мўъжизалар сир-асрори ва моҳиятини билади, ўрни билан улар ҳақида болага қизиқарли қилиб гапириб бера олиши керак. Бордию, гапингиз озгина зерикарли бўлса, бола сўзларингизни эшитишдан кўра таърифланаётган нарсанинг ўзини томоша қилиш, у билан мулоқотга киришишни афзал деб билади.

Боланинг билимга, мўъжизаларга ташна қалбини эзгулик билан тўлдириш, уни эл-юртимиз ва Ватанимизга садоқатли, фидойи инсон қилиб тарбиялашда ота-оналар қатори биз — устоз ва мураббийларнинг ҳам зиммамизда масъулият ниҳоятда каттадир. Ёш авлод тарбияси мамлакатимизда энг муҳим устувор масала ҳисобланиб, бу борада барча шарт-шароитлар яратилаётган ҳозирги кунда биз ўсиб келаётган фарзандларимизни камол топтириш учун ўз кучимиз, билим ва тажрибамизни ишга солишимиз керак. Бунинг учун эса доимо ўқиб-ўрғаниб, закон билан ҳамнафас бўлиб яшаш ва фаолият кўрсатиш талаб этилади.

**Нурхон МАМАТҚУЛОВА,**  
Самарқанд шаҳридаги  
1-педагогика коллежи ўқитувчиси

## ИСТЕЪДОД БОҒИДАН ЭНГ САРА ҒУНЧАЛАР ТАНЛАНДИ

«Янги авлод—2010». 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган иқтидор эгаларига мумтоз ва миллий чолғу, вокал, рақс, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ҳамда театр сценарийси йўналишларида ўз қобилиятларини синаб кўриш имкониятини берган ушбу болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи бир неча кун давомида нафақат болажонлар, балки ота-оналар ва барча санъат ихлосмандларининг диққат марказида бўлди.

«Орзулар кемаси» композицион дастури асосида ташкил этилган якуний гала-концерт эса «Истиқлол» санъат саройида бўлиб ўтди. Шу кун республика босқичида беллашган 650 нафар иштирокчи орасидан энг истеъдодли ва иқтидорлилар аниқланди.

— Иштирокчиларнинг ҳаммаси иқтидорли. Гулзорнинг ичидан энг чиройли гулни танлаш қийин бўлганидек, улар орасидан энг кучлиларини эътироф этиш биз ҳайрат азолари учун ҳам жуда машаққатли кечди, — деди тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича ҳайъат аъзоси Акмал Нур. — Фестиваль кашф этган ушбу истеъдодларни эндиликда «Келажак овози» ва «Ниҳол» каби кўрик-танловларда кўришни хоҳлардим.

— Адабиёт йўналиши бўйича 40 нафардан зиёд болажонлар ўзаро беллашди, — деди ҳайъат аъзоси Умида Абдуазимова. — Йилдан-йилга нафақат иштирокчилар сони, балки улар тақдим этаётган ижод намуналарининг савияси, мавзулардаги хилма-хиллик ҳам ошиб бораётганини эътироф этиш зарур.

Маълумот ўрнида айтиб

ўтиш керакки, ўтган етти йил давомида лойиҳада мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларидан, хусусан, энг чека худудларидан жами 72 000 нафардан зиёд ўғил-қиз иштирок этишди. Улардан 2500 нафари танлов лауреатига айланиб, «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форумининг грант ва дипломлари билан тақдирланишди. Қолаверса, уларга келгусида профессионал ва ижодий фаолиятларини олиб боришлари учун амалий кўмак кўрсатиб келинмоқда. 2009 йили лойиҳада иштирок этиш ниятидаги болажонларнинг сони 18 000 нафарни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 23 000 нафардан ошди. Республика босқичига йўлланма олиб, ўз омадини синаб кўраётганлар

### Yangi avlod — 2010

сони эса 1120 нафарга етди. Бу йил фестивалнинг барча йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритган 587 нафар лауреатга 157та грант ажратилиб, болажонларга тақдим этилди. Диплом ва совғаларни қўлга олган ёш истеъдод эгаларининг юзларидаги қувонч, кўзларида порлаб турган ишонч бу танловнинг улар ижодида янги бурилиш ясаланидан дарак бераётгандек. Санъатимизнинг умидли юлдузлари билан бир саҳнада ўз ижод намуналари-



ни яна бир бор намоён этиш имконияти берилганлиги эса улар қувончига қувонч қўшди.

— Танловнинг вокал йўналиши бўйича қатнашиб, лауреат бўлдим, — деди Фаргона вилоятдан келган иштирокчи Ҳамидулла Исмоилов. — Бу фестивал менга жуда кўп нарса берди. Дўстлар орттирдим ва уларнинг ҳам ижодлари билан танишдим.

Ҳайъат аъзоларининг таъкидлашича, Фаргона ва Сурхондарё вилоятларидан

келган иқтидор эгалари вокал ва адабиёт йўналишлари бўйича фаол қатнашишди.

Танловнинг яна бир эътиборли жиҳати, бу йилдан фестивал доирасида истеъдодли болаларни кашф этиш, лойиҳа иштирокчиларини тайёрлаш ишлари билан фаол равишда шуғулланиб келаётган мураббийлар, ансамбллар раҳбарларига ҳам грантлар ажратиш йўлга қўйилди. Бу йилги танловда уч нафар мураббий ана шундай грант соҳиби бўлди. Шунингдек, лойиҳа доирасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Болалар ижодиёт марказла-

ри ташкил этилган бўлиб, бу болаларга бепул таҳсил бериш билан бирга, уларнинг турли санъат йўналишларидаги қобилиятларини ривожлантириш имкониятини ҳам яратмоқда.

Болажонларнинг шижоатига шижоат, интилишига интилиш қўшган, эртанги кунга катта-катта мақсадларни қўйишга ундаган ушбу фестивалнинг ўзбек санъати, маданияти ва халқона қадриятларини улғуландиган, ривожига ўз ҳиссасини қўша оладиган чинакам янги авлодни тарбиялашдек машаққатли, аммо шарафли вазифани бажаришда ўзига хос ўрин ва аҳамиятга эгаллиги бу йил яна бир бор ўз исботини топди.

**Соҳиба МУЛЛАЕВА,**  
«Ma'rifat» мухбири  
**О.МИРСОАТОВ (ЎЗА)** олган  
сурат.

(Давоми.  
Боши 1-бетда.)

55та ўқув хонаси, 6та лаборатория, 11та ўқув устахонаси, автомобиль-трактор ўқув машқ майдони, 31та юк ва энгил автомобиллар ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Амалиётни ўташ жойлари инструкция хариталар ва кендикли асбоблар, жиҳоз ва стендлар, химоя во-

тироки ҳам юқори бўлди. 12 нафар ўқувчи вилоятда коллеж шарафини муносиб химоя қилишган бўлса, Достон Баходиров чизмачилик фани бўйича фан олимпиадасининг республика босқичида 1-ўринни қўлга киритиб, Тошкент архитектура-қурилиш институтига имтиёзли равишда қабул қилинди. Наманган вилоятида биринчи марта ўзига хос ташаббус сифатида академик лицей ва касб-хунар коллежла-

электр тармоқлари корхонаси, «Оҳангар-ТТТ» ишлаб чиқариш компанияси, «Ширинлик» агрофирмаси, туманимизда жойлашган паррандчилик фабрикаси ва насос станциялари каби корхоналар коллежимизнинг асосий ҳамкорларидан бўлиб, улар бевосита таълим жараёни билан боғлиқ ишларда ҳам тавсиялари, таклифлари билан бизни қувонтиради. Натижа эса иккала томон учун ҳам, албатта, сама-

ёргарлик маркази самарали фаолият юритмоқда. Лойиҳага кўра, «Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш» мутахассислиги бўйича пилот гуруҳи тузилиб, такомиллаштирилган тармоқ стандартлари, ўқув режа ва дастурлари асосида таълим жараёни олиб борилмоқда. Ҳамкорликнинг биринчи босқичида ўқув режага 76 соатлик «Ишлаб чиқариш корхонасида мутахассислик

## ТЎҒРИ ЙЎЛНИ ТАНЛАШГА КЎМАК

Навой вилояти Учқудук туман халқ таълими бўлими ташхис маркази томонидан 7-умумий ўрта таълим мактабида «Мактабда фаолият юритаётган касб-хунарга йўналтирувчилар ва амалиётчи психологларнинг асосий вазифалари» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда туман ташхис маркази ходимлари, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш комиссия аъзолари ҳамда мактаб психологлари иштирок этди. Семинарда умумий ўрта таълим мактабларида психологик-педагогик ташхис ишларини ташкил этиш ва 8—9-синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, 9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш юзасидан олиб бориладиган ишларни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди. Илғор тажрибали мактаб психологлари томонидан ўтган 2009-2010 ўқув йили давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида бир йиллик ҳисоботлар берилди. Шунингдек, касб-хунарга йўналтирувчилар ва амалиётчи психологларнинг асосий вазифалари слайд асосида йиғилиш қатнашчилари ва ёш амалиётчи психологларга тақдим қилинди. Шу билан бир қаторда мактабда психолог хизматининг таркибий мазмуни ва тузилмаси, психологик маърифат ва ташвиқот, психологик прафилактика ва диагностика, психологик коррекция, психологик маслаҳат, касб-хунарга йўналтириш, амалиётчи психологларнинг ҳуқуқлари, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида психологик клим яратиш каби масалалар атрофида муҳокама қилинди. Битирувчи 9-синф ўқувчиларидан олинган уларнинг касбга бўлган қизиқишларини кўрсатувчи сўровномалар, «қизиқишлар харитаси», тест натижалари намойиш этилди.

— Таълим муассасаларида психологларнинг амалга ошираётган ишлари, ўқувчиларга бўлган ғамхўрликлари ёш авлоднинг эртанги кунга ишончини янада оширишга хизмат қилади. Семинар барча иштирокчилар учун қизиқарли бўлди, айниқса, йиғилишда баён қилинган мавзулар, кўрсатмалар, йўл-йўриқлар биз каби эндигина иш бошлаётган амалиётчи психологлар учун жуда катта амалий манба бўлди, — дейди тадбир иштирокчиларидан 7-мактабнинг амалиётчи психологи М.Халилова.

**Жамшид ХАЛИЛОВ,**  
Учқудук туман ХТБ ташхис маркази раҳбари  
**Анвар БАХРАНОВ,**  
Ташхис маркази психологи

## ИЛМ ВА ХУНАР ҚАДР ТОЛГАНДА...

ситалари билан таъминланган. Яна бир эътиборли жиҳати — коллеж ўз веб-сайтига эга бўлиб, ўқувчилар таълим муассасасида Интернет тармоғи орқали ўз билимларини ошириш имкониятига эга. Замонавий АРМ, спорт зали, теннис корти, тир, ёзги спорт ўйингоҳи, волейбол ва гимнастика майдонлари ҳам ўқувчилар хизматида.

Яратиб берилаётган ана шундай кенг имкониятлар натижасида айни пайтда нафақат бирор хунар, касб-кор эгаллашда, балки илм чўқиларини забт этишда ҳам яхши натижаларни қўлга киритаётган ёшларимиз сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

Мазкур таълим муассасаси ўқувчилари эришяётган натижалар ҳам юқоридаги фикрларни асослайди. 2004 йилдан буён фан олимпиадаларининг вилоят ва республика босқичларида фахрли ўринларни эгаллаб келаётган ўқувчиларнинг бу йилги нуфузли билимлар баҳсидаги иш-



рининг 1-босқич ўқувчилари ўртасида ўтказилган очик фан олимпиадасида ҳам ушбу коллеж ўқувчиси Бобур Боборахимов голибликка сазовор бўлди.

Маълумки, касб-хунар коллежларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларни иш ўринлари билан таъминлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Тўрақўрғон қишлоқ хўжалиги коллежида бу борада ҳам ибратли ишлар йўлга қўйилганлиги боис кўшни туманлар ва вилоятлардан ҳам мазкур таълим муассасасида ўқиш истагида келувчи ёшлар кўпчиликини ташкил этади.

— Тўрақўрғон туман

рали бўлади. Корхоналар етарли малака ва кўникмага эга бўлган кичик мутахассисга эга бўлса, таълим муассасаси битирувчиларининг муносиб иш ўринлари билан таъминланганидан манфаатдор, — дейди коллеж директори, техника фанлари доктори Набижон Бойбобоев.

Коллежда йўлга қўйилган ана шундай бир қатор ибратли аъналар мутасаддилар ва хорижий ҳамкорларнинг ҳам эътиборини тортди. Бугун бу ерда Ўзбекистон—Швейцария таълимдаги ҳамкорлик «Касбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ташкил этилган Минтақавий касбий тай-

билан танишув амалиёти киритилиб, йил давомидаги ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари ўқув соатлари кўпайтирилди. Иккинчи босқичда эса яқунланган умумкасбий ва махсус фанлардан оралиқ имтиҳонларнинг олиниши жорий этилди. Эътиборлиси, ана шу назорат имтиҳонларида 32 нафар ўқувчидан 26 нафари «аъло» кўрсаткичига жавоб берганлиги хорижий мутахассисларнинг ҳам эътиборини қозонди.

Муваффақиятлар салмоғини ошириб бориш жамоанинг доимий шioriга айланганлиги, мустақиллик берган имкониятлардан самарали фойдаланишга интилиш коллежга ташриф буюрган ҳар бир кишининг эътиборини тортиши аниқ. Шундай экан, бугунги ютуқлар мазкур таълим муассасаси учун чегара эмас, дея ишонч билан айтсак бўлаверади.

**Бахтиёр ЁКУБОВ,**  
«Ma'rifat» мухбири  
**Бурхон РИЗОКУЛОВ**  
олган суратлар.

## ОЧИҚ ДАРС ЭКОЛОГИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Ўқувчиларга табиатни муҳофаза қилиш, экологияни асраш, бизга риск-насиба бераётган тупроқни кўз қорачиқдек авайлаш каби тушунчаларни Биология фанидан олиб бориладиган машғулотлар давомида сингдириб боришнинг аҳамияти катта.

Атроф - табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик тизимни сақлаш ва экологик хавфсизлик қоидаларига амал қилиш лозимлигини ёшлар онгига тўлақонли етказишда амалий дарсларнинг ўрни муҳим.

Яқинда коллежнинг 1-босқич ўқувчилари иштирокида бўлиб ўтган «Тупроқ ва унинг хусусиятлари» мавзусидаги очик амалий дарсда тупроқнинг физик ва кимёвий хусусиятлари билан бирга унинг экологияни сақлашдаги аҳамияти ҳақида ҳам тушунча берилди. Айниқса, куз фаслида хазонларни ёқиб юбормасдан тупроқ остига кўмиш орқали ҳам атроф-муҳитни асраш мумкинлигини илм маскани боғида амалий тарзда ўргандик.

Шунингдек, машғулотни қўшимча манбалар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг экологияга оид моддаларидан фойдаланиб олиб бориб ёшларга кенг маълумот берилди. Асосий Қомусимизнинг 50, 54, 55-моддаларида атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, экологик муҳитга зарар етказмаслик, умуммиллий бойлик ҳисобланган ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар давлат муҳофазасида бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги белгилаб берилган. Дарсда ушбу моддаларни плакатларга ёзиб кўргазмалар курали сифатида фойдаланиш ўқувчилар билимини мустаҳкамлайди.

**Севара ХУДОЙНАЗАРОВА,**  
Иштихон туманидаги қурилиш коммунал  
касб-хунар коллежи ўқитувчиси

ЎзФА Полимерлар кимёси ва физикаси институтида «Полимерлар ҳақида фаннинг долзарб муаммолари» мавзусида ёш олимлар анжумани бўлиб ўтди. «Баркамол авлод» йилига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда мамлакатимиздаги барча илмий-тадқиқот ҳамда ўқув муассасаларида полимерлар соҳасига доир илмий изланишлар олиб бораётган 50 нафарга яқин ёш олимлар иштирок этди.

Йиғилишда техника фанлари доктори, профессор, институт директори ўринбосари Абдушукур Саримсоқов бугунги кунда полимерлар соҳаси бўйича мазкур муассасада эришилган ютуқлар ҳамда олиб борилаётган ил-

## ЁШ ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

мий-тадқиқот ишлари ҳақида гапирди.

Шундан сўнг ёш олимлар ўзлари олиб бораётган тадқиқот ишининг мақсад-вазифаси, аҳамияти ва долзарблиги хусусида иштирокчиларга қисқача ахборот бердилар. Ҳар бир мавзу юзасидан савол-жавоблар бўлиб ўтди.

— Бугунги конференциядан асосий мақсад, — дейди А.Саримсоқов, — полимерлар соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб бораётган республикамиздаги барча ёш олимлар ўзаро фикр алмашиб, бир-бирга ёрдам кўрсатиши, шунингдек, илмий ишланмаларини амалиётга татбиқ қилиш жараёнларини тезлатишдан иборатдир.

Айтиш мумкинки, икки кун давом этган ушбу семинар келгусида ёш тадқиқотчилар фаолиятида ўз самарасини беради.

**Аброр УМАРКУЛОВ**

## КУТУБХОНАЧИЛИК — ВИЖДОН ИШИ

Қарши шаҳридаги Саидо Насафий номидаги вилоят кутубхонаси ҳам нафақат шаклан, балки мазмунан бойимокда. У ерда 350 минг нусхадаги адабиётларнинг электрон каталоги мавжуд. Маълумот базаси дастурий воситалар билан бойитилмоқда. 30та компьютер локал тармоққа уланган. Электрон каталог ва адабиётлар учун махсус сервер хонаси ташкил этилган бўлиб, у компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланган. Электрон почта, вебсайт, факс, электрон каталог марказида иш жараёнларини автоматлаштиришга, электрон ҳужжат алмашинувида босқичма-босқич ўтиляпти. Марказ ходимларидан 40 нафари компьютер курсларида ўқитилиб, автоматлаштирилган кутубхоналарда ишлаш олиш малакасига эга бўлдилар.

Китобхоналарда «ZiyoNet» ахборот тармоғидан фойдаланиш бепул. Шунинг учун ҳам аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш сифат жиҳатидан юқори даражага кўтарилди. Китобхон ва фойдаланувчиларнинг барча мавзудаги қизиқишлари замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондирилмоқда. <http://www.nasafiy.uz> манзилидаги веб-саҳифада марказда олиб борилаётган тадбирлар, янгиликлар, бўлимлар фаолияти ва ўлкашунослик мавзусидаги манбалар, тарихий обидалар тўғрисидаги маълумотлар берилган.

**К.ДҮСЁРОВА,**  
вилоят ахборот-кутубхона  
маркази директори,  
**У.МЕЙЛИЕВ,**  
«Ma'rifat» мухбири



# ДИЛЛАРНИ ШОД ЭТИБ, ХУШ КЕЛ, ЯНГИ ЙИЛ!



Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улуг тушунчалар доимо бир-бири билан ёнма-ён. Халқимизнинг тарихий ютуғи — Ватанимиз мустақиллиги, мамлакатимиздаги янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг фаровон турмуш тарзи, осойишта ҳаётимиз, вояга етаётган баркамол авлод — мана шундай неъматларнинг барчасига Истиқлол туфайли эришмоқдамиз. Биз Истиқлол шарофати билан: **Энг улуг маскан — Ватан, энг бебаҳо неъмат — тинчлик, энг масъулиятли вазифа — эл, юртга хизмат қилиш** эканини юракдан ҳис этдик ва англадик.

...Ўтаётган йилимизни сарҳисоб қиладиган бўлсак, ёшларимиз таълим, илм-фан, санъат ва адабиёт, спорт соҳасида кўплаб муваффақиятларни қўлга киритиб, мустақиллик даврининг ўзига хос ютуқ ва ўзгаришлар солномасига муносиб ҳисса қўшдилар. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган «Президент арчаси» байрам тadbirининг мазмун-моҳиятида ҳам фарзандларимизга нисбатан саховат, гамхўрликнинг намунасини кўриш мумкин.

Таълим муассасаларида «Президент арчаси» байрам шодиёнасини ҳамда қишки таътил кунларини кўтаринки руҳда ўтказиш, болажонларга байрам кайфиятини улашиш, тadbirни уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур тавсия фаолиятингизда асқотади, деган умиддамиз.

Вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ мактабларида Янги йил байрамини ўтказиш учун **«Дилларни шод этиб, хуш келибсан, Янги йил!»** мавзусида сценарий тайёрланиб, унинг мазмунига йил давомида эришилган ютуқлар, амалга оширилган ижобий ишлар ҳисоботларини киритиш мақсадга муво-

фиқдир. Ана шу ютуқларга эришишда ўз ҳиссасини қўшган мураббийлар ҳамда ўқувчиларни рағбатлантириш катта аҳамиятга эга. Байрам тadbirларига, табиқи, Қорбобо ва Қорқиз ташрифи уюштирилади. Барча умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасаларига меҳмон сифатида кириб келган Янги йил байрамнинг рамзий маънодаги қаҳрамонлари, аввало, ютуқлар билан танишиб, сўнгра аълочи, жамоат ишларида фаол ўқувчиларга ўз совғаларини улашади.

Шу билан бир қаторда, қишки таътил кунларини мазмунли ва қизиқарили ўтказиш учун жойлардаги таълим муассасаларида алоҳида тайёргарлик кўриш, кўпроқ нималарга эътибор бериш кераклиги пухта ўрганиб чиқилади. Тadbirлар режасини тузишда вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари масъул ходимлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог мураббийлари, мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, синф раҳбарлари, болалар етакчилари, фан тўғараги раҳбарлари, маҳалла, ота-оналар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ, «Камалак» болалар ташкилоти аъзолари билан ҳамкорликда режа тузилади.

Унда қуйидагилар акс этиши мақсадга мувофиқ:

— таълим муассасаларида байрам тadbirлари ва қишки таътил кунларини юқори савияда ўтказиш юзасидан чора-тadbirлар режасини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш;

— тadbir ўтказиладиган жойни ўқувчилар ўзлари ясаган қўл меҳнати намуналари, ўйинчоқлар, энг чиройли ишланган деворий

газеталар билан жиҳозлаш, кўргазма ташкил этиш;

— байрам тadbirлари ва таътил кунлари давомида пиротехника воситаларидан фойдаланишни қатъий тақиқлаш бўйича чоралар кўриш;

— жойлардаги тарихий ва маданий ёдгорликлар, музейлар, театрлар, мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотларга ўқувчиларнинг саёҳатларини уюштириш;

— ўқувчиларнинг қизиқишлари бўйича фан ва ижодий тўғарақлар, спорт секциялари машғулотларининг таътил кунларида мунтазам ўтказилишини ташкил этиш;

## Metodik tavsiya

— жойлардаги болалар ижодиёти марказлари, «Биозқосан» ёшлар мажмуаси, «Ёш сайёҳ ва ўлкашунослар маркази» ҳамда техник ижодиёт марказлари билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг таътил кунларини самарали ўтказиш;

— имконият даражасидан келиб чиқиб, умумтаълим мактаблари қошида ўқувчилар учун қисқа муддатли қишки оромгоҳларни махсус режа асосида ташкил этиш;

— синфлар кесимида кичик олимпиада ўтказиш, голибларни олимпиада захираси рўйхатига киритиш;

— битирувчи синф ўқувчиларини касбга йўналтириш мақсадида уларнинг касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга саёҳатларини уюштириш;

— халқ таълими тизимида узоқ йиллар фаолият кўрсатган фахрий устоз-мураббийларни умумтаълим мактабларида ўтказилиши режалаштирилган тadbirларга таклиф этиш, уларга табрикномалар йўллашни ташкиллаштириш;

— таълим муассасалари-

да ёшлар маънавияти ҳақида, навқирон авлодни янгича дунёқараш асосида камол топтиришда муҳим ўрин тутадиган ватанпарварлик, она юртга муҳаббат ва садоқат туйғулари каби юксак маънавиятни шаклланишига хизмат қиладиган туйғуларни ҳосил этишга қаратилган тadbirлар ташкил этишга алоҳида эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, таътил мавсуми ҳар бир кунининг ўзига хос ўрни — тартиботи, мазмунини эътиборга олиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олганда, қишки таътилнинг ҳар бир кунига юкланган вазифа бўлиши лозим. Ана шу мақсадни ўзига жам этган тахминий тadbirлар тавсия қилинади.

**Биринчи кун:** «Тафаккур гулшани» мавзусида кичик танлов ўтказиб, унда ўқувчилар ёд олган шеърлар, монологлар, асарлар ва дostonлардан парчалар асосида сахна кўринишларидан иборат мусобақа тарзидаги ўйинлар ўтказилади, голиблар тақдирланади.

**Иккинчи кун:** «Топган-топалоқ» шиори остида «Сиз айтинг-чи, бу нима?», «Сиз буни биласизми?» мавзусида жумбоқли топшмоқлардан иборат беллашув ташкил этиш.

**Учинчи кун:** «Мен юлдуз бўламан» мавзусида танлов ўтказиш. Болалар ўзлари севган, танлаган, ёқтирган инсонларга ҳавас қилишлари табиий. Улар эгаллаган касблари бўйича машҳурлик даражасига етишини тасаввур қилиб, келажакда қандай иш олиб бориш кераклиги ҳақида ўйин-суҳбат уюштирилади. Бундай тadbirлар болаларда ўзини тутта билиш, одоб, эркин фикрлаш қобилиятларини ўстиради.

**Тўртинчи кун:** «Кумуш қиш» мавзусида кичик иншоолар танловини ўтказиш.

**Бешинчи кун:** «Китобхонлар куни». Болалар севиб мутолаа қиладиган китоблари асосида танлов ўтказилиб, асардаги севган қаҳрамонлари тимсолларини сахна кўриниши орқали ифодалайдилар.

**Олтинчи кун:** «Биз табиатни севадим». Табиатни асраб-авайлаш, уни ардоқлаш мавзусида давра суҳбати ўтказилиши мумкин. Ўзбекистонда қишлаб қолган қушлар билан танишиб, уларга гамхўрлик қилинади, мактаб устахонасида инлар ясаб, қишда уларнинг яшаши учун қулайликлар яратилади.

**Еттинчи кун:** «Эртақлар яхшиликка етаклар». Ўқувчилар томонидан эртақ қаҳрамонларини ифода этувчи қўлда тайёрланган ниқоблар кўрик-танловини ўтказиш. Бу танлов 6—7-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилиб, голиб деб топилган энг чиройли ниқоблар бошланғич синф ўқувчиларига совға қилинади.

**Саккизинчи кун:** «Чиниқамиз — яйраймиз». Спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил қилинади (бу мусобақаларни синфлар ҳамда мактаблараро ўтказинг).


**Тўққизинчи кун:** «Донорлардан ўрганмоқ оқилликдир». Ўқувчиларнинг ибратли сўзлар, ҳикматлар, маталлар, афсоналар, ўғитлар, мақолларни қай даражада ёддан билишлар, тушуниб етишини баҳолаш мақсадида танлов ўтказилади.

Янги йил — оппоқ орзулар ва улкан режалар билан қарши олинади. Безатилган арча, эзгу ниятларни дилига жо этган Қорбобо ва Қорқиз билан дийдорлашув ҳар бир бола қалбига шоду хуррамлик бахш этади. Байрам тadbirлари ана шуниси билан ҳам мароқли.

**Халқ таълими вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси, РТМ «Маънавий-маърифий ишлар» бўлими**

## ИЛК САБОҚЛАР АҲАМИЯТИ

Мактаб остонасига илк қадам қўйган ўқувчига яхши билим бериш ўқитувчидан катта маҳорат ва кучли билим талаб этади. Бошланғич синф ўқитувчиларининг бир-бири билан тажриба



алмашиб, фикрлашиб туриши таълим самардорлигига ижобий таъсир этиши шубҳасиз. Шу маънода Учтепа туманидаги 312-мактабда бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда асосий эътибор бошланғич синф таълим сифатини ошириш, ўқитувчиларнинг тажриба алмашишини самарали йўлга қўйиш масалаларига қаратилди. Дастлаб мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчилари — И.Хусанова, Н.Мамедова, М.Расулова, Д.Ҳайдарова, Д.Султонова ҳамда А.Ақбарова томонидан математика, рус тили, ўқиш, тасвирий санъат, инглиз тили фанларидан очик дарслар намойиш этилди ва семинар иштирокчилари томонидан таҳлил этилди.

— Бошланғич синф ўқувчиларига илк сабоқни ўргатаётган ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини тўғри ташкил этишларида бу каби амалий семинарларнинг аҳамияти катта, — дейди мактабнинг бошланғич таълим бўйича илмий бўлим мудири Н.Мамедова. — Муҳокамаларда бошланғич таълим сифатини оширишга эъти-



бор қаратилган бўлса, очик дарсларда ноанъанавий усулларга кенг ўрин берилди.

Семинар якунида иштирокчилар мактабда ташкил этилган кўргазмали куроллар билан танишдилар.

**МУХБИРИМИЗ**

РЕКЛАМА ЯНА

ДИККАТ МАРКАЗИДА

Карнес хавфлими ёки реклама?

Бир қарашда, реклама тadbиркорлик ва савдo-сoтиқ жараёнининг энг демократик воситаларидан бири. Буюртмачи ёки харидор муайян турдаги махсулот ёки хизматлар ҳақида маълум даражада тасаввурга эга бўлгач, улар орасидан энг мақбулини, ўзи учун ҳар томонлама қулайини танлайди. Рекламининг вазифаси у ёки бу махсулотнинг афзалликларини кўрсатиш, харидорга қайсидир маънода маслаҳат беришдан иборат. Лекин реклама ўзининг дастлабки, "маслаҳаттўй"лик вазифасидан ташқари, оммада маълум бир товарга нисбатан эҳтиёжни юзгага келтириш, ҳиссиётларга таъсир этиш орқали фикрни бошқариш ва бошқариш шунинг асоси.

Kuzatuv

маслиги ҳам шундан. Кизик, негадир, реклама тайёрловчилар, ўз махсулотининг ёрқин, таъсирчан ва ишончли чиқиши учун қўлдан келган ҳамма усулларни ишга солишадю, 4-5 сўзининг ўзига хос ўзбекча муқобилини топиш, жумлаларни услубий жиҳатдан тўғри тузишга келганда, муаммони қўл силташ билан ҳал қилишади. Тўғрироғи, "ҳал қилдим", ҳам ўйлашади. Бундай «оқилона ечим» натижасида "оғриқдан воқисита" ("средство от боли") деб айтмоқчи бўлишган, ўзларича), "учтаси бирда", "бўри тухумларни янада кўпроқ ва янада тезроқ ушлайди", "товуқхонадаги тўнтарилиш" (мобиль ўйин номлари) каби сўз бирикмалари телёзкранда камёблашиб қолган ҳажвий дастурлар ўрнини бo-шишдан бошқариш ва бошқариш ярамайди...

Агар дeри "қобилият"ларини ишга сола бошлагач, бундай содда ва жўн таърифлар унинг мазмунини тўлиқ ифодалашга ожизлик қилиб қолди. 15, борингки, 20 йил олдин одамлар тишдаги кариеc ёки истеъмол қилинган овқатнинг ҳазм қилиши ҳақида бугунгичалик кўп қайғурмагани аниқ. Ҳозир-чи? Овқат тановул қилдингми, "Орбит" ёки "Дирол" чайнашинг, "Мезим" ёки "Фестал" билан ошқозонни "сийлаш"нинг шарт, деган "қатъий тамойил"и га амал қилувчилар сони кун сайин ошиб бораётгандек назаримда.

Экспериментларни хоҳлайсизми?

"Фрутель" — мевали фантазия, ишонтиришга уринади экран ортидаги овоз. Илк мартаба ўтказилган тажрибалар ҳар доим ҳам яхши натижаларга олиб келмаслигини яхши биламиз. Айниқса, мевали фантазия борасида тайинли бирор гап айтиш қийин. Шу пайтгача, мевали шарбат, мевали мураббо, боринг ана, мевали торт ҳақида эшитиб юрган одамлар, бу "ёпишмаган" иборага тезда кўнаниб кетолмаслиги мумкин... Балки, "фруктовая фантазия" сўз бирикмаси бошқачароқ тарзда таржима қилинса, барча шубҳалар тарқаб, бу шарбатнинг харидорлари қўпайишига ижобий таъсир қилар?

(Давоми 9-бетда.)

«Театр — маънавий тарбия маскани. Ёшларимизни турли мафқуравий таҳдидлар ва гараз ниятли кучлардан, таъсирлардан асраб-авайлашга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Ёшларни тўғри йўлга бошлашда панд-насихат билан кифояланиб бўлмайди. Эзгуликни, юртпарварликни, инсоний фазилатларни камол топтиришда хизмат қиладиган амалий ишлар қилиш керак. Ана шундай амалий тарбия омилларидан бири театрdir», деган эди Юртбошимиз Мустақилликимизнинг 19 йиллик байрами арафасида Бухоро вилоятига қилган сафари чоғида.

Бугунги кун қахрамони ким?

Кейинги вақтларда республика театрларида турли мавзу ва жанрларда саҳна асарлари яратиб келинмоқда. Ижодкорлар янгидан-янги асарлар устида ижодий изланишлар олиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, эндиликда театр репертуарларини бугунги кун қахрамонлари ҳақидаги асарлар билан бойитиш фурсати келди. Бу хусусда Юртбошимизнинг юқоридаги билдирган фикрлари давомини келтириш ўринли: «Театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқиши зарур. Фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган замонавий қахрамонлар образини яратиш керак».

Кўриниб турибдики, театрларимиз олдида улкан вазифалар турибди — бугунги кун қахрамони сиймосини яратиш ва улар меҳнати ҳамда жаборати ҳақидаги тушунчаларни ёш авлод онгига сингдириш лозим. Замон қахрамони, санъатшунослар фикрича, жамиятимизда маълум бир ютуқларга эришган, ўзидаги салоҳиятни кўрсата олган илгор соҳа кишиларигина эмас, балки кун учунгина эҳтиёж сезаяпти, деб ўйлайман. Бизнинг вазифамиз комедия жанри бачканалашиб кетишининг олдини олишдан иборат. Бу борада изланишлар олиб борилмоқда. Қолаверса, кун қахрамонини яратиш, миллий, ватанпарварлик руҳидаги асарларни халққа етказишни режалаштиряпмиз ва бу тез орада ўз натижаларини беради. Шунингдек, ёш драматургларимиз учун кенг имкониятлар яратилган ва улар ҳам ўз навбатида ижодда улкан муваффақиятларга эришишларига ишонамиз.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугун театрлар репертуарларида ана шундай замон қахрамони тимсолини яратиш учун драматургдан ҳам улкан масъулият талаб этилмоқда. Актёр, санъатшунослар билан бўлган суҳбатда бугунги кунда театрнинг орғилки нуқта-си драматургияга бориб тақалиши, юқори мазмун

ва бадий савияга эга асарлар камлиги, шарқона руҳдаги асарлар кўпроқ Фарб фалсафасини акс эттирувчи воқелик билан тўлдирилаётганлиги айтилади. Бу фикрлар қанчалик тўғри? Насрулло Қобилов, драматург: — Замономамиз қахрамони деганда Ва-

ҲАЁТНИ ЎЗИДА АКС ЭТТИРАДИГАН ДАРГОҲ

танига, оиласига, касбига садоқатли ҳамда эзгулик учун курашадиган, келажак авлод равнақи учун меҳнат қиладиган кишиларни кўрсатиш мумкин. Тўғри, бугун театр саҳнасини енгил, ҳазил-мutoйбага йўғрилган комедия жанридаги асарлар қамраб олди. Негаки, буларнинг бари томошабиннинг талаб ва эҳтиёжига қараб шаклланимоқда. Бу жанрнинг ҳам қоралаб бўлмайди. Актёр учун мураккаб жанрлардан бири комедиядир. Бу тоифа спектакллар ҳам керак. Томошабин бировнинг нуқсонини туйғайли ўзидаги камчиликни тузатади. Бунини томошабин тушунган учунгина эҳтиёж сезаяпти, деб ўйлайман. Бизнинг вазифамиз комедия жанри бачканалашиб кетишининг олдини олишдан иборат. Бу борада изланишлар олиб борилмоқда. Қолаверса, кун қахрамонини яратиш, миллий, ватанпарварлик руҳидаги асарларни халққа етказишни режалаштиряпмиз ва бу тез орада ўз натижаларини беради. Шунингдек, ёш драматургларимиз учун кенг имкониятлар яратилган ва улар ҳам ўз навбатида ижодда улкан муваффақиятларга эришишларига ишонамиз.

Ўзбекистон халқ артисти Мухаммадали Абдуқундузов шундай дейди: — Ижодий жамоамиз шахсан давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори, халқнинг миллий ўзгичлиги уйғотишга қаратилган ундовларидан

Театр ва замон

Дарҳақиқат, театр томошабинни маънан бой,



юксак тафаккур эгаси бўлишга ва шу билан биргача теран фикрлашга ўргатадиган маскан. Театрда биз жамиятнинг турли диварлари ва воқеликлари билан бир муддат юзмаюз бўламиз. Қахрамонлар кечинмалари, давр муаммолари ва ечимлари кўз олдимизда жонланади гўё. Шу боис театрда боши муносабати билан рамайидиган жонлилик манзараси мужассам. Театр санъатининг яна бир ўзига хослиги шундаки, унда драматург, режиссёр, актёр ва расказчи ижодининг уйғунлашуви мавжуд. Бу ижодий уйғунлик эса яхшида бир спектаклнинг вуқудга келишига замин яратади. Мустақиллик йилларида юртимизда маънавий соҳалар ривожига жуда катта эътибор қаратила бошлади. Юртбошимиз раҳнамолигида миллиятимизнинг неча асрларга бориб тақаладиган буюк, ўлмас қадриятлари тикланди. Бу борада чин маънода тарбия маскани бўлган театрнинг ҳам ўрни, нуфузи оша бошлади.

руҳланган ҳолда зўр иштиёқ билан бугунги кун қахрамони сиймосини яратиш устида иш бошлади. Бунда буюк аждодларимизнинг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссалари ҳам ибрат сифатида олинмоқда. Дастлаб Амир Темур, Мирзо Улугбек, Ал-Фарғоний каби буюк зотлар юбилейлари муносабати билан саҳна асарлари яратилди ҳамда Республика ва вилоят театрларида намойиш этилди. Қарийб ўн йил давомида театр репертуарларидан ўрин олган тарихий асарлар маълум даражада бизнинг ким бўганимиз, аждодларимизнинг буюк сажоҳиятини билан дунё тамаддунийи тебратган улғу зотлар эканлигини қалбларга жо этишга ҳисса қўша олди, дея айта оламиз ва эндиликда ёшларимизга ўрнак бўладиган, ватанпарвар, фидойи инсонлар сиймосини яратиш вақти келди. Шу мақсадда охиригўн йилликда замонавий қахрамонлар акс этган асарлар яратилиш бошлади. Ва шу билан биргача жамиятдаги айрим қусурларни, муаммоларни комедия, юмор жанрида очиб беришга ҳаракат қилаяпмиз.

Тўғри, шундай фалсафий мазмунга эга бўлган асарлар ҳам бор. Масалан, «Кундузсиз кечалар», «Уч кунлик дунё» каби асарларни келтири-

Ёшларнинг томоша маданияти ҳақида

Театрға қадам қўйган инсон борки, ундан ўзи учун маънавий озуқа олишга интилади. Аммо шундай ҳолатларнинг ҳам гувоҳи бўлаяпмизки, унда ёшларнинг томоша маданияти унчалик шаклланимаганини кўриш мумкин. Бoиси, улар спектакль жараёнида, монолог ўқилаётган вақтда кераксиз сўзларни айтиш, актёрларни чалғитишга уринишлари ёки уяли алоқа воситаларида баланд овозда гаплашишлари ҳамда спектакль вақтида мудраб ўтиришлари, шунингдек, ўзаро суҳбатлашишлари бошқа томошабинларга халал бериш билан биргача саҳнага, театрға ва актёрларға бўлган ҳурмат-сизликдан далолат. Бу каби ҳолатлар айрим ёшларнинг театр ҳақида етарлича тушунчага эга эмаслигининг исботидир. Буюк маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудий-

нинг «Театр — ибратхонадур», деган сўзлари театрнинг нечоғлик азиз маскан эканидан далолат. Театрға бўлган иштиёқ, аваламбор, фарзанд қалбига ота-она томонидан олиб кирилади. Ёшлиғида «Кўғирчоқ театри»га, кейинчалик «Ёш томошабинлар театри»га қўлидан етаклаб олиб борилган бола улғайиб оила қурганида, оила аъзолари билан театрға келишга эҳтиёж сезади. Бу эса фарзандларимизнинг маънавий камолотида беқиёс аҳамиятга эга.

— Ёшлар учун театр жуда катта тарбия маскани, — дейди актёр Мухаммадали Абдуқундузов. — Жонли жараёни ўз кўзи билан кўриш, ҳис

Хулоса ўрнида

Театр санъатидан бугун ва эртага қутилаётган умидлар доимо юксак бўлади. Хоҳ драматург бўлсин, хоҳ режиссёр ёки актёр бўлсин, уллардан томошабин кўнглига яқин, маънавий дард салмоғи кучли, ўзбекхона қадриятларга асосланган мафкура мужассамлашган инсоний ва фуқаролик муносабатларининг уйғунлиги руҳидаги асарларни интиқ бўлиб кутмоқда. Бугунги кунда юзлаб, керак бўлса, минглаб театр саҳнасига олиб чиқишга арзигулки ижобий ишлар қилиндики, буларни жонли тарзда халққа етказиш лозим. Мана шу йўл билан ёшларни эзгулик, фидойилик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз, уларнинг кўнглида шу заминга бўлган меҳр-муҳаббатни янада оширишимиз, қолаверса, ўтмишимиздан гурурланиш ва порлоқ келажакка нисбатан ишонч ҳиссини уйғотишимиз мумкин. Шундангина театр жамият тараққиётига хизмат қиладиган ҳодиса ўлароқ жаранглайди, мазмун-моҳият касб этади.

Феруза ХОЛМУРОВА, «Ma'rifat» муҳбири

РЕКЛАМА ЯНА

ДИККАТ МАРКАЗИДА

(Давоми. Боши 8-бетда.)

«Дав» шоколадининг атиги бир бўлагидан ўзини худди телбалардек тута бошлаган аёл, сочини турмаклашда «Кока-кола»дан фойдаланадиган «амаки», фарзандига қўл телефони орқали эртақ айтадиган меҳрибон дада... реклама-ларда бу каби мисолларни минглаб топш мумкин. Уларнинг таъсирчанлиги, кучи мана шунда. Нима бўлганда ҳам, эътиборни жалб қиладди. Сизни бир зум бўлсин, экран олдида тўхтатиб тура олади. Дарвоқе, дўконга бorgan вақтингизда, бу рекламалар «фалончи махсулотни харид қил» дея, ongostidan sizga буйруқ бериши ҳам мумкин...

Қонун ҳимоясида

Товар ва хизматлар рекламаси билан боғлиқ айрим муаммоларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонуни (6-, 14-, 23- ва 29-моддалар)га баъзи қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Жумладан, рекламада: — ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хорижий сўз ва иборалардан фойдаланиш; — махсулот давлат органлари ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганини кўрсатиш; — иштирок этиш учун муайян махсулотни олиш шартини қўйилган рағбатлантирувчи лотеря, танлов, ўйин ёки шунга ўхшаш бошқа тadbир ўтказишни, тadbирнинг ташкилотчиси, уни ўтказиш қондаларига ва муддатларини, бундай тadbир ҳақидаги ахборот манбаини, муқофотлар ёки ютуқлар миқдорини, уларни олиш муддатларини, жойи ва тартибини кўрсатмаган ҳолда реклама қилиш;

— махсулотни товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси реклама қилиш тақиқланган ёхуд реклама қилишга нисбатан тегишли чекловлар ёки талаблар белгиланган махсулотнинг товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа махсулотнинг рекламаси кўринишида реклама қилиш тақиқланади.

Биз соғном турмуш тарафдоримиз!

Қонуннинг яширин реклама ҳамда уни тарқатишга

йўл қўймаслик ҳақидаги 14-моддаси «Рекламане яширин деб топш тўғрисидаги қарорни ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилиши» тўғрисидаги учинчи қисм билан тўлдирилди. Бу, ўз навбатида, яширин рекламани ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, жамоатчилик онги, руҳиятини ахборот «хуруж»ларидан сақлаш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладди.

Қонунга киритилган ўзгартишлардан яна бири, 23-модда билан боғлиқ. Унинг янги тахририга биноан, тамаки, тамаки махсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкоғолли ичимликлар рекламаси тақиқланади. Шунингдек, тамаки махсулотлари ва алкоғолли ичимликлар намуналарини текин тарқатиш шунинг каби махсулотлар номи, товар белгиси ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган тadbирларга ҳимойлик қилиш, улар номи, товар белгиси туширилган товарларни (футболка, бош кийимлар, ўйинлар ва бошқа шу кабиларни) тарқатиш ва сотиш, савдо объектларининг олд томонида, кириш (транспортда кириш) жойларида, витриналардан ташқарига олиб чиқиладиган предметларда ҳамда бошқа жойларда улар ҳақидаги ҳар қандай ахборотни ўрнатиш ман этилди.

Таъкидлаш керакки, бу каби махсулотлар рекламаси, асосан, уларни нисбатан камроқ истеъмол қилувчиларга, хусусан, ёшларга қаратилади. Беозор тарғибот усуллари ёшлар орасида бу махсулотларга нисбатан эҳтиёж, кейинчалик эса қўниқши пайдо қилиши — алоҳида изохларни талаб қилмайди. Баъзи рекламаларнинг шу ва юқорида тилга олинган бошқа салбий жиҳатлари, жамоатчилик фикрини чалғитиш хусусияти нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонунига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, реклама буюртма бeрyвчилар ва реклама тарқатувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилиши, шубҳасиз.

Висола ҚАРШИБОВЕВА

# “SEHRLI CHARXPALAK” BILAN SAYR

— Bor ekan-da, yo'q ekan, och ekan-da, to'q ekan. Bo'ri bakovul ekan, tulki yasovul ekan...

Uch yarim yoshli Sherzod ertak ayta boshladi. Tarbiyachi opasi ertakni tartib bilan boshlash va hikoya qilishni, agar shunday qilmasa, ertak o'rtoqlariga yoqmasligi mumkinligini tushuntirdi. Keyin guruh bolalari bilan turli savol-javoblar va sahna ko'rinishi orqali ertakni eslab qolish va voqealarni ketma-ketlik bilan so'zlab berishni o'rgandilar...

Yunusobod tumanidagi “Paxtaoy” nomli 544-maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyachisi Nodira Ibrohimova bolalar bilan ishlashda ular nutqidagi nuqsonlarni bartaraf etishga alohida ahamiyat qaratadi. Uning o'rta guruh tarbiyalanuvchilari bilan o'tkazgan galdagi “Sehrlil charxpalak” mavzusidagi mashg'uloti ham bolalar nutqini, fikrlash qobiliyatini rivojlantirish, ularni badiiy asar mazmunini qayta hikoya qilishda aniq va tasviriy ifodalardan foydalanishga o'rgatishga xizmat qiladi.

**Tarbiyachi:** — Aziz bolajonlar, bugun sizlarga bir ertak hikoya qilib bermoqchiman (*tarbiyachi bolalarga charxpalak maketini ko'rsatadi*). Rasmda nimani ko'rayapsizlar?

**Bolalar:** — Bu — charxpalak.

**Tarbiyachi:** — To'g'ri topdingiz. Bu charxpalak, lekin oddiy emas, sehrlil charxpalak. U qadrdon do'stim. Menga turli ertaklar aytib bergan. Shuning uchun uni “ertakchi charxpalak” deb atayman. Bugun charxpalakdan bizga biror yangi ertak so'zlab berishini iltimos qilamiz. Kelishdikmi?

**Bolalar:** — Ha.

(*Bolajonlar birgalikda “Charxpalak” qo'shig'ini kuylaydilar.*)

Charx-charx-charxpalak,  
Eshitaylik biz ertak.

Jam bo'ldik biz — barchamiz,  
Sen ham bizga bo'l o'rtoq.

Xohla qo'shiq aytamiz,  
Yoki o'yin tushamiz.

Charx-charx-charxpalak,  
Aytib ber bizga ertak!

(*Charxpalak aylanadi.*)

**Tarbiyachi:** — Voy, qaranglar, bolalar (*tarbiyachi ko'zaning ichidan fil va xo'roz rasmini olib, bolalarga ko'rsatadi*). Bu yerda rasmlar bor ekan. Siz qanday hayvonlarning rasmini ko'ryapsiz?

**Aziza:** — Men filning rasmini ko'ryapman.

**Behzod:** — Bu esa xo'roz.

**Tarbiyachi:** — Bolalar, charxpalak nima uchun bizga bu hayvonlarning rasmini berdi? Axir biz ertak eshitmoqchi edik-ku, to'g'rimi?

**Durdona:** — Charxpalak bizga fil va xo'roz haqida ertak aytib bermoqchi bo'lsa kerak...

**Tarbiyachi:** — Hozir charxpalakdan so'rab, bilib olamiz. Qadrdon do'stim charxpalak, biz barchamiz sening ertagingni eshitishni xohlaymiz.

(*Charxpalak aylanadi va ko'zadan xat chiqadi.*)

**Tarbiyachi:** — Bolalar, charxpalak bizga xat yozibdi. Hozir men sizga uni o'qib beraman: “Salom

bolajonlar, erkatoylar! Men sizlarga juda qiziqarli ertak yubordim. Sizga uni do'stim hikoya qilib beradi. Ishonamanki, bu ertak barchangizga yoqadi. Lekin buning evaziga mening shartlarimga quloq tutishingiz kerak. Agar ularni bajarsangiz, sizlar bilan o'rtoq bo'laman”. Kelinglar, unda ertakni o'zim sizlarga hikoya qilib bera qolay. Axir do'stim iltimos qilibdi. Birovlarning iltimosini yerda qoldirish esa odobdan emas. Qani, barchangiz ertakni diqqat bilan eshiting. So'ngra charxpalakning

## Bir soatlik mashg'ulot

shartlarini bajaramiz. Bolalar, siz qaysi hayvonning eng katta va kuchliligini bilasizmi?



**Bolalar:** — Sher — eng kuchli hayvon.

— Bo'ri.

— Yo'lbars.

— Fil ham katta, ham kuchli, baquvvat hayvon...

**Tarbiyachi:** — Barchangiz to'g'ri aytdingiz. Ertakdagi fil ham Abdulaziz aytganidek, o'zini eng kuchli, eng ko'p ovqat yeydigan hayvon deb o'ylar ekan. Lekin kunlarning birida u xo'roz bilan uchrashib qolibdi. O'sha-o'sha u o'z fikridan qaytibdi. Nima uchun deysizmi? Hozir men sizlarga “Fil va xo'roz” ertagini hikoya qilib beraman. Shundan so'ng siz buning sababini bilib olasiz...

(*Bolalar tarbiyachi opaning ertagini diqqat bilan tinglaydilar.*)

**Tarbiyachi:** — Ana, bolalar, ertakni ham eshitingiz. Ertak sizga yoqdimi?

**Bolalar:** — Ha.

**Tarbiyachi:** — Unda charxpalakning shartini bajaraylik.

(*Charxpalak aylanadi. Ko'zadan navbatdagi xat chiqadi.*)

**Tarbiyachi:** — Sehrlil charxpalak, bizdan ertakning qandayligini so'rab, xat yozibdi.

**Bolalar:** — Ertak qiziqarli ekan. Bizga judayam yoqdi.

**Tarbiyachi:** — Endi sizlarga savollar beraman, o'ylab javob bering. Bu ertak nima haqida ekan?

**1-bola:** — Ertakda fil va xo'rozning kim ko'p ovqat yeyishini aniqlash uchun musobaqa o'ynagani hikoya qilingan.

**Tarbiyachi:** — Fil donlab yurgan xo'rozga nima dedi?

**2-bola:** — Fil xo'rozga qarab, kim ko'p ovqat yeydi, senmi yo men, deb so'radi.

**Tarbiyachi:** — Uyqudan turgan fil xo'rozning donlab yurganini ko'rib nima deganinin eslab ko'ring-chi.

**3-bola:** — Fil xo'rozni, yebto'ymas ekan-ku, deb o'yladi va bunaqa ochofat jonivorni hech ko'rgan emasman, deb hayron bo'ldi.

**Tarbiyachi:** — Xo'roz musobaqada yutgach, o'zicha nima deb o'yladi?

**4-bola:** — Filning ustiga chiqib, atrofni bir tomosha qilay-chi, dedi.

**Tarbiyachi:** — Fil nima qildi?

**5-bola:** — U qattiq qo'rqib ketdi va qocha boshladi.

**Tarbiyachi:** — Fil nima deb qocha boshladi?

**8-bola:** — «Voy-dod! Meni yeb qo'yadi».

**Tarbiyachi:** — Xo'roz uning orqasidan qarab, qanotlarini tapillatib nima deb qichqirdi?

**9-bola:** — «Qu-qu-qu-quv, men zo'rman!».

**Tarbiyachi:** — Barakalla, bolalar. Sizlar juda ham aqli bola ekaningizni isbot qildingiz. Ertakni yaxshi eslab qolibsiz. Navbatdagi shartda bugun tinglagan ertagingizdagi qahramonlarni mana bu suratlar ichidan ajratishingiz kerak (*2 nafar tarbiyalanuvchi shartni bajaradi.*)

**Tarbiyachi:** — Kelinglar, endi o'rnimizdan turib xo'rozga o'xshab “qu-qu-ru-qu” deb qanot qoqamiz.

**Tarbiyachi:** — Charxpalakning siz aziz bolajonlarga oxirgi sharti quyidagicha: ertak qahramonlari haqida she'r aytib bersangiz, u sizdan xursand bo'lar ekan? Avvalgi mashg'ulotlarda fil va xo'roz to'g'risida o'rgangan she'rlarni aytamiz. Kelinglar, shu she'rlarni charxpalakka aytib beramiz.

**Bolalar:** Qu-qu-qu xo'rozim, Toji tillo xo'rozim. Derazadan qarayqol, Senga don olib keldim. Mashg'ulot yakunida tarbiyachi bolalarni sehrlil charxpalakning sovg'alari bilan rag'batlantirdi va “Charxpalak” qo'shig'ini aytib, ochiq havoda sayr qilish uchun yo'l oldilar.

**Mashg'ulotni B.OTAJONOVA kuzatdi.**

## Sinab ko'ring



Сурат томоша қилиш кўнгилга завқ беради. Беихтиёр кишида мана шундай расм чизиш истаги пайдо бўлади. Бу иштиёқ «Ҳозир қоғоз-қалам оламану ҳаммани ҳайратга соладиган сурат чизаман», деган истакка айланади.


Бошланғич синфларда расм чизишга қизиқмайдиган ўқувчи деярли топилмайди. Улардаги ушбу фанга қизиқиш-ни янада ривожлантиришда расм чизишнинг турли содда кўринишлари билан таништириб боришнинг аҳамияти катта. Табиийки, дастлаб ўқитувчи янги мавзуни эълон қилиши билан аксарият ўқувчиларда “Мен буни қандай чизаман?” ёки “Чиза оларканманми?” деган савол пайдо бўлади.

Болани ўз имкониятини кашф этишга ўргатиш, дарсга қизиқтириш учун мен

## РАСМ ЧИЗИШ

### бола тасаввурини кенгайтиради

“Ички табақалаштириш” усулини қўлайман. Синфни икки гуруҳга ажратаман. Биринчи гуруҳнинг мустақил ишлай олишини ҳисобга олиб, уларга эркинлик бераман. Иккинчи гуруҳда эса расм чизишга қийналадиган ўқувчилар ишлайди. Уларга дарснинг мазмунига кўра тайёрланган андозалар берилади. Масалан, нақш учун унинг қисмлари (барг, гул, новда, бурчаклик), портрет учун инсоннинг турли ҳолатдаги юз кўриниши, эртақлар учун турли қаҳрамонлар (ҳайвон ва қушлар, чол ва кампир, аждаҳо ва бошқалар)нинг андозаси тарқатилади. Ўқувчилар бундан чўчимайди, чунки қўлида тайёр андоза бор ва ундан фойдаланиб, суратни чизиши мумкин. Қолгани эса боланинг тасаввурига боғлиқ. Кўпинча ўқувчилар расм чизишни бошлай олмай қийналади, чизади, ўчиради, яна чизади... Шу тариқа бир соат ўтиб кетади. Қўлида андоза бўлса, унинг ўзига ишончи ортади, аста-секин қоғозу қалам билан тиллаша бошлайди. Андоза ичига керакли элементни чизади, бўёқ беради.



Дейлик, ўқувчига тулки расмини иш-лаш топширилди. Буни синфдаги ўттиз нафар ўқувчи ўттиз хил бажаради — бири бошқасиникига ўхшамайди. Қош, кўз, тумшук, қулоқ, кийим — буларни ҳар бир ўқувчи ўз тасаввуридан келиб чиқиб чизади. Болалар ўзлари ўқиган эртақда тасвирланган тулкига ўхшатиб чизишга ҳаракат қилади. Масалан, бир ўқувчи узум ўғирлашга ҳаракат қилаётган тулкини чизса, иккинчиси унинг бўтқа еяётган кўринишини чизади.

Шодия ТЕМИРОВА,  
Ўзбекистон туманидаги  
65-мактаб-интернат ўқитувчиси

Бугунги кунда таълим мазмун-моҳияти ҳам моддий-техник базага мутаносиб равишда тобора ривожланиб бормоқда. Бу борада ёшларнинг чуқур назарий билимларга эга бўлишини таъминлаш билан биргаликда, уларда амалий (касб-хунарга йўналтирилганлик) кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Шу маънода таълим жараёнини ташкил этишга масъулият билан ёндашадиган, юксак касбий ва методик маҳоратга эга, дарсларни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этувчи, юксак шахсий фазилатлар соҳиби бўлган ўқитувчиларга талаб тобора ортиб бораётир.

Педагогларнинг касбий маҳоратини ошириш, ахборотларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда мониторингини олиб бориш, таълим жараёнида уларнинг илмий, педагогик, психологик, дидактик ва методик усуллардан фойдаланишдаги муаммоларини аниқлаб, уларни ўз вақтида бартараф этиш йўллари белгилаш зарур. Бунда Халқ таълими вазирлиги томонидан жорий этилган аънавий «Устоз-шогирд мактаби» тизими ўзига хос аҳамиятга эга. Ушбу жараён самарадорлигини оширишда туман методика кабинети, таянч мактабларда ташкил этилган фан уюшмалари ва малака ошириш институтлари билан ҳамкорликда узлуксиз методик хизмат самарасини оширувчи асосий омил — ўқитувчининг яқка тартибдаги шахсий дастури (иш режаси) асосида доимий мустақил малака ошириб боришга эришиш зарур.

### ЭХТИЁЖ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

Аввало, ўқитувчининг касбий фаолияти бўйича барча жиҳатлар ўрганилиб, камчиликлари ва ривожлантириши зарур бўлган жиҳатлар аниқланиб, хулосалар чиқарилади.

Туман методика кабинети методисти (фани йўналишида), мактаб маъмурияти ва методбирлашмаси раҳбари томонидан ана шундай педагогик диагностика ўтказилгандан кейин педагогнинг касбий маҳорати, психологик ва педагогик, умумий маданий-маърифий даражаси, ҳуқуқий, иқтисодий, миллий ғоя ва маънавият асослари фанлари бўйича билим, кўникма ва малакаси юзасидан малакасини ошириш бўйича тавсиялар берилади.

Берилган тавсиялар асосида педагог мактаб раҳбарияти билан келишиб, мустақил малака ошириш (курсдан-курсга бўлган даврдаги) иш режа — дастурини ишлаб чиқади. Унга ўз касбий фаолиятида қайси соҳада қийналаётган бўлса, шу масалаларни қирати ва ўқув-тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосарига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Узлуксиз мустақил малака ошириш иш режа-дастурини ишлаб чиқишда куйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

— Президент асарлари ва маърузалари, соҳага тегишли амалдаги Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг таълимга оид қарорларининг мазмун-моҳияти, Халқ таълими вазирлиги Хайъат мажлиси қарорлари ва буйруқлари билан тасдиқланган тегишли меъёрий ҳужжатларни ўрганиб бориш (қисқача мазмунини конспектлаштириш);

— касбий маҳоратни оши-

риш учун оптималлаштирилган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури, дарсликлар, зарур методик қўлланма ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаб-

лари, тавсиянома, ишланмалар, ахборот-таълим порталлари ҳамда оммавий ахборот воситаларидаги таълим тизими оид янгиликларни ўрганиб бориш. Ёзги таътил мобайнида касбий билим, кўникма ва малакаларини чуқурлаштиришга, янгилашга эришишни таъминлаш;

— инновация, педагогик технология йўналишларида илмий-методик маҳоратни ошириш. Бунда ўқитувчи: инновацион технологияларни амалга ошириш, таълим жараёнини янгилаш лойиҳалаштириш, ҳар бир дарс мавзуси бўйича унинг мазмунини алгоритмлаш, ўқув жараёнини илғор педагогик технологиялар асосида моделлаштириш, худудлардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва улар билан ҳамкорлик қилишга эътибор қаратиш лозим;

— педагогик-психологик билимларни ошириш, хусусий методиканинг илмий-амалий асосларини чуқур ўзлаштириш, дарс машғулотида гуруҳ(синф)даги тарбияси оғир, бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларга педагогик, психологик ва индивидуал ёндашувни такомиллаштириш;

— ўқувчида таълим жараёнида мотивация ҳосил қилиш, ҳис-туйғусини уйғотиш, унинг қизиқиши, хоҳиши, қобилияти, мойиллигига хос хусусиятлари ва улардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш;

— миллий ғоя ва маънавият асослари, ҳуқуқий ва иқтисодий йўналишдаги билимларини мунтазам ошириб бориш;

— илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг назарий ва амалий асосларини ўзлаштириш ҳамда уларни ўқув жараёнида қўллаш. Ўқитишнинг янги ахборот технологияларидан, Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш;

— илмий, илмий-оммабоп, сиёсий, ўқув-методик, бадий ва бошқа адабиётларни мус-

тақил равишда мунтазам ўқиш ва ўрганиш;

— методбирлашма томонидан тасдиқланган жадвал асосида белгиланган муддатларда очик дарсларни замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

— ўқувчиларга қўшимча таълим бериш, синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлик ишлари самарадорлигини ошириш бўйича изланиш, янги илғор тажрибаларни татбиқ этиш;

— методик хизматни такомиллаштириш йўналишида тегишли халқ таълими ташкилотлари билан ҳамкорлик ишлари, турли йўналишдаги

ишлаш кўникмаси шакллантириб борилса, уларда тинимсиз ўқиш, изланиш, яратувчанлик, янги-ча қараш, янгилаш ишлаш малакаси шаклланади. Демак, малака оширишда мунтазамлик, узлуксизлик, узвийлик шаклланади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, жаҳон малака ошириш тизими тажрибасида ўз-ўзининг малакасини ошириш — энг самарали йўл сифатида тан олинган.

Навбатдаги вазифа эса педагогнинг ана шу юқорида таъкидланган мустақил малака ошириши қай даражада самарали бўлганини аниқлашдир. Бунинг учун эса мониторинг олиб бориш зарур.

## О'қитувчига yordam

1. Педагог кадрларнинг касбий маҳорати ва малакасининг такомиллашганлик даражаси.

2. Курс давомида, тажриба алмашиш жараёнида ўзлаштирган илғор тажриба ва янгиликларни амалда қўллаётганлик кўрсаткичи.

3. Мактаб, туман (шаҳар) микёсида ўз фаолияти бўйича бошқа мактаб ўқитувчиларига нисбатан рейтингининг ошганлиги.

4. Шахсий режа дастури асосида ўз устида ишлаши, яъни узлуксиз малака ошириш ўқитувчининг кундалик эҳтиёжга айланганлик даражаси.

5. Педагогнинг «Тарбияси оғир, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлаш» да педагогик-психологик ёндашувнинг натижалари.

6. Семинар, конференция, танловлар ва тадбирларда фаол иштироки.

7. Илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг назарий ва амалий асосларини ўзлаштириш ҳамда уларни ўқув жараёнига татбиқ эта олиши.

8. Ўқитишда ахборот-коммуникацион технологиялардан, Интернетдан самарали фойдалана олиш даражаси.

9. Ўз тажрибасини бошқаларга ўргатиш самарадорлиги.

10. Илғор педагогик тажрибаларни мустақил ўрганиш ва амалда қўллаш натижалари.

11. Тингловчининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсини тугатиб, кейинги курсга борганига қадар қандай янги билимларни ўзлаштириб олгани, қандай муаммолар ва камчиликлар мавжудлиги.

12. Курсдан кейинги даврда шу ўқитувчи дарс бераётган ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларининг илгаригига нисбатан ошганлик даражаси.

13. Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларининг Давлат таълим стандартига кўра самарадорлик натижалари.

14. Танловлар, мусобақалардаги иштироки.

15. Ўқувчиларнинг фан олимпиада ва спорт мусобақаларида эришган натижалари.

### МОНИТОРИНГНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мониторинг ўтказишнинг ўзига хос талаб ва мезонлари мавжуд.

**Биринчидан** — ахборотнинг аниқлиги, равшанлиги — жараён аниқ маълумотга асосланмоғи керак. Ахборот қисқа, лўнда, яъни қайта ишлаш, узатишга қулай бўлиши мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан** — маълумотлар ўзаро қиёсланган бўлиши, маълум вақт оралиғидаги ўзгаришларни кўрсатиши керак. Натижага кўра уни қиёслаш, таққослаш мумкин бўлсин.


**Учинчидан** — ички, ташқи ўзгаришлар асосида тизимдаги ўзгаришларни аниқ, раван ифода этиш керак.

**Тўртинчидан** — олинган маълумот ўқитувчи фаолияти истиқболини олдиндан айта олинсин. Мақсадни амалга оширишни олдиндан кўра билсин.

**Ш.ПҲЛАТОВ,**  
ТШПҚҚТМОЙ проректори,  
педагогика фанлари  
номзоди,  
институт доценти

# ШАХСИЙ МАЛАКА ОШИРИШ ДАСТУРИ

## УНИ ТУЗИШДА ЎҚИТУВЧИ ҚАЙ ЖИҲАТЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШИ ЗАРУР?



### ПЕДАГОГНИНГ УЗЛУКСИЗ МУСТАҚИЛ МАЛАКА ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИ МОНИТОРИНГИ


Педагогнинг узлуксиз мустақил малака ошириш самарадорлиги мониторингини унинг шахсий дастур асосида мунтазам ўз устида ишлашини, янгилаш, новаторлик (устозлар) устахонаси иш усуллари эгаллаш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни ўзлаштириш даражаларини қиёсий ўрганиш ҳамда амалга оширган ишлари самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Малака ошириш курсида ўқиб келган ўқитувчининг шахсий ижодий дастури асосида иш юритаётгани куйидагиларда намоён бўлади:

кўрик-танловлар, мусобақа, конференция (уюшмалар), семинарларда иштирок этиш.

Узлуксиз мустақил малака ошириш режа-дастури бир ўқув йилига мўлжалланиб, йил якунида бирор муаммоли мавзу устида изланиш, реферат, тавсия, ишланма, услубий мақола ёзиш, методбирлашма, методик кенгаш, педагогик кенгаш йиғилишларида маърузалар, ижодий ҳисоботлар бериш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи ўз фаолиятининг диагностика тахлили натижаларига кўра навбатдаги янги ўқув йили учун ўз шахсий узлуксиз малака ошириш дастурини янада бойитган ва соҳадаги янгиликлардан келиб чиққан ҳолда тузади.

Агар ҳар бир ўқитувчида илмий-педагогик, методик адабиётлар ҳамда бошқа ахборот воситалари билан мустақил



Куз. Осмонни тўлдириб лайлаклар учиб ўтяпти. Улар қишнинг изғиринли кунларига тараддулланаётган ўлкалардан иссиқ юртлар томон учиб кетишяпти. Бироқ улар яна қайтади! Она табиатнинг энг митти қанотли вакиллари — жонсарақ капалакдан тортиб, кушлар, ранго-ранг, хушбўй исли гуллар, майин шаббода эпкиннида чайқалган толлар тароватидан гўзалликка ошуфта бўлган инсонлар бахра олади, дилида мудраб ётган ширин ҳислари уйғонади...

Баъзан кундалик ташвишу югур-югурларидан холи бўлиб, кушлар сингари баланд-баландларга, мовий самодаги оппоқ булутлар сари парвоз этгимиз келади. Гуёки улар бизни юксакликлар сари чорлайди, дилга эзгуликни жо этиб, мақсад сари дадил одимлашимизга далда беради.

Тан олиш керак, аксариятимиз кушларнинг ҳаёт тарзи, яшаш шароитининг ўзига хос мураккаб томонлари ҳақида батафсил маълумотга эга эмасмиз. Шу боис қуйида кўринишидан бироз виқорли, танноз, бироқ аслида меҳрибон ва болажон, бағрикенг куш — лайлак тўғрисида ҳикоя қилишга қарор қилдик.

### Bilasizmi?



# ЭЗГУЛИК ЭЛЧИЛАРИ

Лайлаклар орасида энг кенг тарқалгани — оқ лайлак. Уларнинг дум қисми қора бўлади, бўйин қисми узун. Ингичка ва узунчоқ қизғиш тусдаги тумшуги ҳамда оёғи билан оқ лайлаклар ўзларининг бошқа турдаги вакилларида ажралиб туради. Қизғи шундаки, лайлаклар қанотини ёзганда гавдасининг орқа қисми тўлиқ қоп-қора тусда кўринади. Одатда урғочи лайлаклар нарларидан унчалик кўп фарқ қилмайди, лекин уларнинг жуссаси бироз кичикроқ бўлади. Лайлакнинг бўйи 100—125, қанотлари кенглиги эса 155—200 сантиметрга тенг. Умумий оғирлиги 4 килограммни ташкил этади. Ўртача умр кўриш даври 20 йил.

Табиатда лайлакларнинг минглаб турлари мавжуд. Улар орасида бўйи 1,50—1,70 м. келадиган лайлаклар ҳам мавжуд.

Улар парвоз қилган чоғида қанотларини олдинга қарата кенг ёйиб, узун оёқлари орқага тортилган ҳолда бўлади. Бу ҳолат лайлакларнинг эркин, тез ва баланд учишига кўмаклашаркан. Оппоқ кушлар илиқликни, қуёш нурини жуда яхши кўради, ҳар йили куз келиши билан улар иссиқ ўлкалар сари шайланади. Яна қишнинг қаҳри сўниб, кўклам келганда, мовий осмон узра қулоч ёйиб парвоз этаётган лайлакларга кўзимиз тушади. Шунинг учун ҳам баҳорнинг илк элчиларидан бири лайлаклар саналади.

Узоқ парвоз чоғида лайлаклар вақти-вақти билан бирор ерга кўниб, нафас ростлаб олиши керак. Ахир, шунча гавда ва оғирликни кўтариб, самода муаллақ учиб юриш анчамунча қувватни талаб этиши аниқ. Шунинг учун ҳам лайлаклар минглаб километрларда ястанган очик денгиз уммонлар устидан асло учиб ўтмайди. Улар парвоз муддатини, йўл масофасини чўзса-чўзадики, бироқ денгиз устидан учмаслик қондасига қатъий амал қилади.

Лайлаклар аҳоли яшайдиган ҳудудларда ҳам турли дарахтларга ин солади. Вайрона, бесаранжом маконларда яшамайди, аксинча тинч ва осуда, озода гўшаларга ошиён қуради.

«Сарвқомат» кушларда бошқа жонзотларда кам кузатиладиган ҳислат бор: улар одамларга яқин юришни яхши кўради. Бир марта қурган

ини узоқ йиллар хизмат қилади. Ини йил сайин тобора кенгайиб бо-раверади. Бунинг натижасида эса иннинг бир четида фақат лайлаклар эмас, балки бошқа митти кушчалар — чуғурчук, жиблажибон ва чумчуқлар ҳам яшай бошлайди. Ота ва она лайлак нобуд бўлса ёки бирор йиртқич ҳамласи туфайли ҳалок бўлганидан сўнг инларида уларнинг болалари яшашни давом эттираверади.

Шу ўринда қизиқарли маълумотни келтириб ўтмоқчимиз. Дунёда энг узоқ вақт хизмат қилган лайлак уяси Германия шаҳарларидан биридаги баланд тарихий бино устида қурилган экан. Бу ин 1549 йилдан то 1930 йилгача лайлакларнинг бир неча авлодига хизмат қилган. Ҳа, табиатнинг бу қанотли вакиллари ҳаётининг ҳали биз билмаган жиҳатлари бисёр.

Қадим-қадимдан бу кушлар Шарқ мамлакатларида айрича қадрлаб келинган. Халқ оғзаки ижодида, хусусан, мақол, масалу маталлар, шеър кушларда лайлаклар ҳамиша ижобий образлардан бири сифатида тилга олинган. Эртас ва масалларда укки — ақл, ҳаққа — маҳмадоналик, чумчуқ — урушқоқлик, эҳтиёткорлик ва сергаклик тимсоли бўлиб келган. Лайлаклар эса қут-баракат, эзгулик ва бахт рамзи саналган.

Фарзандсиз оилалар лайлакларга мўъжизавий бахт элчилари сифатида қараган. Одамлар атайлаб уйлари томига ёки боғларидаги дарахтларига арава гилдирагини илиб қўйишган. Агар гилдирак юзасига лайлак ин қурса, демак, ана шу хонадонда тез орада узоқ вақт интиқ қутилган гўдак йиғиси янграйди. Шу тариқа лайлаклар умид ва келажак-

ка бўлган ишончни ўзларининг оппоқ қанотларида асраб юришган. Қадимда айрим халқлар лайлак ин солган уйларда ҳеч қачон ёнғин бўлмайди, деб ишонган. Уларнинг инини бузиб ташлашга асло йўл қўйишмаган.

Тухумдан эндигина чиққан полапонига одатда лайлаклар ўз тумшугида турли ҳашаротларни олиб келиб едиради. Бир қарашда виқорли кўринган, аслида жуда оққўнғил ва вафодор бўлган бу жониворлар юрагида табиат томонидан берилган илоҳий оналик меҳри мужассам бўлса, ажабмас.

Мутахассислар она лайлаклар худди инсонлар сингари ўз фарзандлари учун доимо қайғуришини таъкидлайди. Нимжонроқ ёки касалманд полапонини у ҳеч қачон кўздан қочирмайди. Учишни ўргатаётганда ҳам, ҳатто тўлкис оёққа турганидан кейин ҳам она лайлак ана шу полапонини авайлаб яшайди. Туғилганидан 54-55 кундан сўнг полапонлар она-

оналари бошчилигида учишни ўргана бошлайди. Етмиш кундан кейин эса кичкинтойлар мустақил ҳаётга тўлиқ тайёр бўлади, август ойининг охирида қишлоқ учун ота-оналари иштирокисиз иссиқ ўлкалар томон йўл олади. Катта лайлаклар эса сал кейинроқ — сентябрь ойида учиб кетади.

Ушбу кушларнинг яна бир қизиқ, ажойиб томони шуки, турли-туман овозлар чиқармасдан, тумшуги ёки қанотлари билан иккинчи лайлакни туртиб қўяди. Улар шундай нозик ва сирли ҳаракатлар орқали диллашади. Бироқ шунга қарамай, айрим

ҳолларда катта лайлаклар ўз жуфтини кўрганда, баланд овоз чиқаради, кичик лайлакчалар эса худди мушук боласи сингари майин товуш чиқаради.

Антик даврларда лайлаклар инсоният учун энг муқаддас маъбуда — сadoqat рамзи бўлган. Негаки, улар ўз жуфтига умрининг сўнгигача содиқ қолааркан. Тадқиқотлар ҳам шуниси исботладики, агар лайлаклар жуфтлигидан бирортаси ҳалок бўлса, иккинчи лайлак ўзини ўзи нобуд этади. Мабодо номаълум сабабларга кўра жуфти йўқолиб қолса, сўнги мадори қолгунча қидиради. Бунда ҳам сadoqat ва вафонинг ўзига хос кўриниши намоён.

Қадимда ота-боболаримиз лайлакларнинг хатти-ҳаракати, учишига қараб иқлим ўзгаришларига хос аломатларни тахмин қилишган экан. Агар лайлак йил бошида ўз ини устида айлана шаклида учса, демак, ёнғингарчилик кўп бўлади. Ёз давомида лайлакларнинг тўда бўлиб учиши келадиган кузнинг серёғин ва совуқ бўлишини билдиради. Улар учмасдан, кўпроқ юрса, келадиган қиш мавсуми илиқ бўлади ва ҳоказо.

Пойтахтимиз маркази — Мустақиллик майдонида қад ростлаган муҳташам «Эзгулик аркаси»ни энтикиб томоша қилмаган, завққа тўлмаган юртдошимиз учрамаса керак. Қут-баракат, эзгулик ва бағрикенглик, тинчлик-тотувлик ҳукмрон бўлган озод ва обод юртимизнинг қоқ марказида қанотлари кенг ёйилган лайлаклар тимсоли гавдалантирилгани замирида миллий-фалсафий маъно мужассам.

Лайлаклар — азал-азалдан халқимиз томонидан эъзозлаб келинган, қалбларимиздан юксак ўрин эгаллаган. Шу боис ҳам уларнинг саф тортиб, осмонни тўлдириб учишига бир зум маҳлиё бўлиб қоламиз. Борлиқни, дунёни, бор ташвишларни унутамиз, бир лаҳза ойдин орзуларнинг чексиз самодаги парвозини кўргандай, енгил тин оламиз. Мақсадларимиз йўлида янада дадил илдамлашга куч топамиз, улар билан ўсиб, улғаямиз!

**ЭНГ ТЕЗКОР ЭРИТИШ УСУЛИ**

«PhysOrg» сайтыда берилишича, моддаларни тадқиқ қилувчи Гельмгольца маркази олимлари фанда ҳали кузатилмаган тезкорлик билан моддани эритиш усулини топишга муваффақ бўлди. Тажириба жараёнида тадқиқотчилар бериллиа оксиди(BeO)га унинг ионларига қараганда оғирроқ ионли моддаларни «юклашган». Тадқиқотга доир мақола «Physical Review Letters» журналинда нашр қилинди.

Грегор Шайвейц бошчилигидаги олимлар гуруҳи бериллиа оксиди юпка қатламини нурлантирди ва ксенон(инерт газ) ионларини аралаштирди. Оғир ионлар қуввати тадқиқот жараёнида кичик электрон валентлика эга электронлар билан ўзаро таъсирлашиши натижасида электронлар қўшимча қувватга эга бўлиб, атомларда нурланиш содир бўлади. Бундай нурланиш оқибатида электронлар ташқи кўриниши ўзгариб, суюқ ҳолатга келади. Бу жараён фанда «Оже таъсири» номини олди.

Тадқиқот якунида 100 фемсониядан ҳам қисқа фурсат ичида 100,000 К. даража иссиқликка эришилди. Профессор Шайвейц бериллиа оксидидан ташқари шундай хусусиятларга эга бўлган бошқа ион кристалларини ҳам топишга умид қилмоқда.

**БОЛАЛАРГА ЭЛЕКТРОН МУТОЛАА ЗАРУР**

«Scholastic Media Room»нинг хабар беришича, «Scholastic» ва «Harrison Group» компаниялари 6 ва 17 ёш болалар орасида тадқиқот ўтказган. Бу изланишдан мақсад электрон мосламалардаги мутолаа уларга қандай таъсир қилаётганини ўрганиш эди. Аини пайтда болалар онлайн ўйинлар ва телефонда мулоқот учун вақтини кўпроқ сарфлаётгани ва бу кўрсаткич китоб ўқишга қараганда ўсиб кетаётгани сир эмас.

Ота-оналарнинг 41 фоизи янги ахборот технология воситалари фарзандларини китоб ўқишдан, 40 фоизи жисмоний фаолликдан ва 33 фоизи эса оила билан алоқадан, бошқача айтганда, мулоқотдан чалғитади, деб ҳисоблаши маълум бўлган.

Технологик воситалар болалар ва ўсмирларни мутолаага жалб қилиш мақсадга йўналтирилса, электрон китобларнинг аҳамияти ошиши шубҳасиз. Тадқиқотда иштирок этган болаларнинг 57 фоизи китоб ўқиш имконини берувчи қурилмалардан фойдалана олиши аниқланган. 6 ва 17 ёш ораллигидаги болаларнинг ҳар учтадан биттиси агар уларда ридер ёки китоб ўқиш имконини берувчи бошқа воситаси бўлса, кўпроқ китоб ўқишларини таъкидлашган, 66 фоизи эса аънавий китобни афзал билишар экан.

Тадқиқотда иштирок этган ота-оналарнинг 89 фоизи болаларнинг ўз хоҳишлари билан мутолаага киришиши муҳим ҳодиса, деган хулосани берган. Қизиқарли жиҳати, сўровнома пайтида болаларнинг 75 фоизи кўпроқ китоб ўқиш керак, деган фикрни билдирган бўлса, бундай мулоҳазали ота-оналар 71 фоизи ташкил қилган. 10 нафар ота-онадан 8 нафари фарзандларига ўз ридерларини бериб туришларини айтган. Мазкур тадқиқот ахборот технологиялари ривожланишининг ижобий томонлари бисёрлигини кўрсатиб турибди.

**АСАБ ХУЖАЙРАЛАРИ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИ**

Маълумки, асаб тўқимаси нейрон ва нейроглия хужайраларидан ташкил топган. Sbio.info сайтыда берилишича, бу хужайраларнинг биринчиси асаб тўқимасидаги асосий вазифани бажарса, иккинчиси уларнинг мавжуд бўлиши учун шароит яратади, яъни нейроглия нейронларни химоя қилади ва озикланишини таъминлайди. Унинг ўзига хос жиҳати кўпайиш хоссасига эга эмаслигида кўзга ташланади. Ана шу сабабли «асаб хужайралари қайта тикланмайди» деган ибора пайдо бўлган.

Олимлар нейронлар қандай пайдо бўлади ва ривожланади, деган саволга жавоб қидириб, ажойиб хулосаларни тақдим этишди. Бу ҳақда дастлаб Хитойда нашр қилиниб, бутун дунё бўйлаб тарқалувчи «The Epoch Times» газетасида хабар берилган. Нейронлар ривожланиши учун мияда махсус жой бўлиб, хужайралар у ерга секинлик билан кўчиб ўтади, босқичма-босқич ривожланади, ихтисослашади. Бу жараён бутун умр давом этади. Агар шикастланиш оқибатида катта

ҳажмдаги нейронлар йўқолган бўлса, қолган мавжуд нейронлар тезда нейроглияларнинг ўрнини эгаллайди. Шундай қилиб, нейронлар сони камайса ҳам, умумий нуқсон бартараф этилади. Демак, нейронлар тикланиш қобилиятига эга. Бундан ташқари, органелл хужайраларининг тикланишида ҳам муайян шаклдаги янги «бутук»ларнинг ўсишига замин яратилади ва бу орқали нейронлар ўртасидаги ўзаро алоқа вужудга келади.

Олимларнинг фикрига кўра, инсоннинг ақлий салоҳияти айнан нейронлар сони ва улар орасидаги алоқалар кўламига боғлиқ. Нейрон хужайралари сони қанча кўп бўлса, шунча кўп алоқа ва кучли ақлий салоҳиятнинг юзага келишига шароит яратади. Одам танасида нейронларнинг ўсиши, ривожланиши ва тикланишига таъсир қилувчи жуда кўп омиллар мавжуд. Шулардан биринчиси соғлом ҳаёт кечиришдир. Яхши кайфият ва зарарли одатларнинг йўқлиги нейрогенез(асаб тўқималарининг ривожланиши)га анча яхши имконият яратади.

Шунингдек, аини пайтда олимлар нейронларнинг ривожланиш жараёнига таъсир қилувчи генлар ва оқсилларни ўрганиш билан машғул. Хусусан, гиппокамп(миянинг бир қисми)даги нейронлар ривожига имкон туғдирувчи ҳар хил кўринишли микро РНК(miR-132)ни аниқлашга эришилган. MiR-132нинг фаолияти CREB фактори(ДНКдаги оксил-фаоллаштирувчи)ни назорат қилади. Шунингдек, усиз ривожланишининг тезлиги, ҳажми ва нейронлардаги «бутук»ларнинг ўсиши сезиларли пасаяди. Бу борадаги тажирибалар ҳозирча жонзотларда ўтказилмоқда.

**СУДРАЛУВЧИЛАР ҲАМ УЧГАНМИ?**

Олимлар птерозаврлар ҳам парвоз қилишган, деган фикрга келишди. Ҳатто бу фикрни исботловчи нусха(модель) ҳам яратилган. Ваҳоланки, динозаврларнинг бу вакили жуда катта вазнга эга бўлиб, шу пайтгача бундай оғирлик билан Ердан кўтарилиш, парвоз қилиш



имкони йўқ, деб ҳисобланилган. Аmmo баъзи бир далиллар бунинкор қилади. Яна шуни таъкидлаш зарурки, охириги пайтларда олдинлари судралувчилар сафига киритилган бир неча жонзотларнинг учиб қобилиятига эга бўлгани борасида фаразлар мавжуд. Масалан, мутахассислар ҳозирда умуман йўқ бўлиб кетган, асосан, Африка ва Жанубий Осиёда яшаган калтакесакка ўхшаш йирик сутэмизувчи — қанотли яшчерларнинг уча олиш имкони борлигини тахмин қилишган эди.

«Учувчи яшчерлар» номини олган птерозаврлар эса мезозой эрасида яшаган, шу пайтгача манбаларда судралувчи бўлган, деган таърифлар бериларди. Архозаврларнинг бу тури бошқа йирткич динозаврлар томонидан қириб ташланган. «PLOS ONE» журналинда берилишича, баъзи птерозаврларнинг оғирлиги 500 килограммгача борган.


«ScienceNOW» журналиндаги маълумотларга қараганда, 2009 йили япониялик ва франциялик тадқиқотчилар денгиз қушлари устида ўтказган тажирибалари хулосасига кўра, вазни 41 килограммдан паст бўлган қушларгина ҳавога кўтарилди олади. Бундан ташқари, птерозавр каби йирик жонзотларда парвоз учун қанот мавжуд бўлган бўлишига қарамай, анча қийинчиликларга дуч келган, деган қарашлар ҳам йўқ эмас эди.

Янги тадқиқот муаллифлари эса птерозаврлар қийинчилик билан эмас, балки худди ҳозирги қушлар каби енгил уча олишганини тахмин қилишяпти. Бу фикрни исботлаш учун яратилган нусхада кўрсатилишича, птерозаврлар оёғига таяниб ердан кўтарилган. Тадқиқотчилар сўзларига кўра, палеонтологлар қанотли судралувчиларнинг янада кўпроқ қолдиқларини топишса, аниқроқ хулосаларга келиш мумкин.

**ПИСТА ОЗИШ ВОСИТАСИ БУЛАДИМИ?**


Beta.novoteka.ru сайтыда берилган маълумотларга қараганда, океан-ортилик физиотерапевтлар хоҳлаган миқдорда писта чақиб, кейин бошқа егуликлар тановул қилиш орқали пистанинг бизга маълум бўлмаган хусусиятларини аниқлашга уринишди. Тажирибада 140 нафар кўнгилли иштирок этган. Натижада иштирокчиларнинг умумий овқатланиш калорияси одатдагидан 40 фоизга камайиши кузатилди. Чунки писта чақиш тўқлик ҳиссини пайдо қилади ва меъёрдан кўп овқат еб қўйишнинг олдини олади.

Иккинчи тадқиқот қатнашчилари ҳар куни бир сиқим писта чақишган. Натижада улар доимий калорияни 23 фоизга камайитиришга эришилган. Диетологлар ҳар куни писта истеъмол қилиш очлик ҳиссини бошқариш ҳамда камроқ овқатланишга имкон беришини таъкидлашмоқда. Бундан ташқари, писта фойдали ҳамдир. Масалан, унинг 20 донасида В6 витаминининг ярим кунлик дозаси бор. Ҳа дарвоқе, мутахассислар фикрича, тузланмаган писта кўпроқ доривор хусусиятга эга экан.



**ЯНГИ ПРИНТЕР МУЪЖИЗАЛАРИ**

«Panasonic» компанияси «Panasonic KX-MB2020» номли принтерни ишлаб чиқара бошлади. Feega.ru сайтыда берилишича, бу кўпфункционали мослама босмадан чиқариш имкони билан бирга, сканер қилиш, ксеро-нусхалаш, факсларни жўнатиш ва қабул қилиш, шунингдек, телефон қурилмасига эгаллиги билан аҳамиятлидир.



Янги маҳсулотнинг қоғозга «дастхат босувчи» деталларини кузатаркансиз, бошқа принтерлардаги каби «бармоқ»ларни кўрмайсиз. Чунки у нашр учун лазерли нурлардан фойдаланади. Унинг кичик экрани ҳам мавжуд бўлиб, оқ-қора ранглидир. Қоғоз солинадиган махсус жойига 250та А4 форматдаги стандарт қоғоз сиғади. Ҳатто унга принтер учун одатий бўлмаган қоғозларни солиш мумкин. Масалан, хатжилдларига ҳам ёзиш ва тасвирларни акс эттириш имкони яратилган. Шунингдек, ушбу қурилма тезкорлик бўйича ҳам юқори кўрсаткичга эга. Унинг нусхалаш вазифасига тўхталадиган бўлсак, битта нусхани чиқариш учун 15—20 сония вақт кетиши ва агар бир қоғоздан ўнта нусха олиш керак бўлса, 50 сония етарли бўлишини таъкидлаш зарур.

Этиборлиси, янги принтер бир вақтнинг ўзида бир неча функцияни бажариши мумкин. Ишлаш жараёнида бошқа принтерларга қараганда тинч ишлайди, овоз чиқармайди. Бу каби такомиллашувлар иш жараёнини яна ҳам осонлаштириш ва тезлаштиришга ҳисса қўшишига умид қилинмоқда.


Санобар ЖУМАНОВА тайёрлади.

Газетанинг 2010 йил 10 ноябрь сонидаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2011-2012 ўқув йили учун куйидаги ўқув фанлари бўйича такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида куйидаги муаллифлар ўртасида 1-,4-,5-,8-,9-синфлари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларини ишлаб чиқиш бўйича танлов эълон қилади» сарлавҳали эълоннинг 18-тартиб рақами куйидагича тузатиб ўқилсин:

Т/р	Дарслик номи	Синфи	Муаллиф(лар)нинг Ф.И.Ш.
18	Она тили (Забони модари) тожик	1	Т.Чориев Собир Солиев, З.Умиров, Солибой Солиев

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори Нарзулла Муслимовга онаси **Марғуба МУСЛИМОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори Абдулла Исмоиловга онаси **МУКАМБАР** аянинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



## ЎЗБЕК НИМА ДЕЙДИ?

(Давоми.  
Боши ўтган сонларда.)

**Кўлга тушган одам ё ҳайвонга:**

— Тумшугидан илинди...

**Қабул қилмаслик, ҳайдаш ифодаси:**

— Кўкрагидан итарди...

**Ҳаловат, осудалик, хотиржамликда:**

— Кўкрагига шамол тегди...

**Ўпкалаш, гина қилиш, ранжишда:**

— Ўпка-гина яқиндан...

**Ҳовлиқма, тез одамларга:**

— Ўпкасини кўлтиқлаган...

— Ўпкаси йўқ...

**Иккиланиш, юрак ютолмай туриш ҳолатига:**

— Юраги дов бермади...

**Қаттиқ таъсирланиш, кўнгилга олиш ҳолати:**

— Юрагига яқин олди...

**Ғайрат-шижоатли, жасоратли одамга:**

— Юрагида ўти бор...

**Кайфиятнинг бузилиши, руҳ тушишига:**

— Дили хуфтон бўлди...

**Очиқ-ошкора мулоқотга:**

— Дилидагини тилига чиқарди...

**Беандишалик, кўполлик, домонгирликда:**

— Юзига солди.

— Юзинг-кўзинг демади.

— Юзингда кўзинг борми, демади...

**Борига тан бериш, ўзгадан домонгир бўлмаслик ҳақида:**

— Афтинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама...

**Ориятли, номусли йигитларга:**

— Белида белбоги бор...

**Ўзини йўқотиб қўйиш, чўчиш ҳолатига:**

— Тили калимага келмай қолди...

**Эслолмаслик, изланиш, хотирлаш ҳолатига:**

— Тилимнинг учида турибди...

**Беғам, орқайин, беҳафсала одамга:**

— Дунёни сув босса, тўпигига чиқмайди...

**Устомонлик, олдиндан кўра билишда:**

— Бу шохида юрса, у баргида юради...

**Ғайрат-шижоатли йигитлар таърифига:**

— Оёғидан(товонидан) ўт чақнайди...

**Эринчок, танбал одам танқиди:**

— Кўлини совуқ сувга урмайди...

**Ризқ-насибани ўзи топиб-тутишга даъват:**

## Ajdodlar odobi

— Кўлдан берганга қуш тўймас...

**Фарзандсиз одамга ачиниш, хайрхоҳликда:**

— Тирноққа зор...

**Такаббур, ғаразгўй одам танқиди:**

— Тирноқ остидан кир қидиради...

**Анойилик, андишалиликка нотўғри баҳога:**

— Андишанинг отини кўрқоқ кўйманг...

**Кутилмаган одамдан қилиқ чиқса, фавқуллодда ҳодисаларда:**

— Аталадан суюк чиқибди...

— Қарқуноқдан булбул чиқибди...

Махмуд САТТОР

(Давоми бор.)

Кутубхонаси кўп халқ, китобни кўп ўқийдиган миллат Ватан равнақи йўлида ҳар қандай машаққатларни енгиб ўтади. Кутубхонага бой мамлакат доимо турли тажовузларга қарши тура олади. Кутубхонаси кўп халқ маданиятли халқдир.

Кўлимга бирор-бир бадиий китобни олиб, уни охиригача кунт билан ўқиб чиқарканман, ҳар сафар ўзимни чуқур англагандек бўлавераман. Ҳаммани алдаш мумкин-дир-у, лекин кўп китоб ўқиган одамни алдаб бўлмас экан. Ҳар гал янги китоб ўқиганимда, хоҳ у бадиий ёки шеърӣ бўлсин, ўзимда руҳан энгиллик туяман.

мамлакат юксалади, ривожланиш йўллари тўғри белгиланади.

Китоб билан ошно тутинмаган киши: у моддиятни ҳамма нарсадан устун қўяди, ейиш-ичиш, турмуш тарзида хурсандчилик қилиш, энгил фикрлаш унинг ҳаётӣ шиори-га айланади. Аслида улар жамиятда катта қатлам эмас. Аммо шунга қарамасдан, уларнинг турмуш тар-

## Mulohaza

хил воситаси мавжуд ҳозирги кунда. Бирок, китоб ҳаётни ўргатувчи муқаддас восита эканлигини унутиб қўймайлик. Савол бериб кўринг — шифокор беморни операция қилишни қаердан ўрганди, ўқитувчининг дарси нима учун мазмунли? Ҳар қандай соҳа олимнинг илмий кашфиёти, албатта, китоблар хазинасига бориб тақалади.

Китоб ўқийдиган киши қандай бўлмасин, бунга маблағ ажратади, «қиммат» деган фикрга бормайди. Аммо китоб ўқимайдиган одам би-

# КЎП КИТОБ ЎҚИГАН КИШИ

ҳаётда қоқилмайди ва ҳеч кимга энгилмайди

Китоб ҲАЁТни ўргатади. Киши китоб ўқиса, тўғри йўл қайси, нomaқбули қайси, билади. Ҳаётда адашмайди, тубанликка йўлиқмайди.

**«Мол-дунёси кўп одам бадавлат эмас, балки кўп китоб ўқиган одам бадавлатдир.» (Ҳадисдан)**

Китобни кўп ўқиган киши билан, уни қўлига ҳам олмайдиган одамни бир солиштириб кўринг-а, фарқи жуда катта.

Китобсевар инсон. Унинг ўз мустақил фикри бор. Тириклик дунёсига бошқача назар ташлайди. Бировдан маслаҳат сўрайдиган, сўрамайдиган пайти бор. Кам гапирди, кўп эшитади. Мулоҳазакор бўлади. У ҳамма нарсага қизиқади, давлат сиёсатини англайди, жамиятда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти бўйича ўз мустақил фикрига эга бўлади. Ўткир сиёсатчи ҳам кўплаб китобларни ўқиган кишидан чиқади. Ҳеч қачон беҳудага бировнинг дилини оғритмайдиган ҳам китобни қадрлайдиган инсондир. Қисқаси, унда жамики яхши хислатлар мужассам.

Биргина ҳақиқат бор, китоб ўқиганлар қанчалик кўп бўлса, ўша

зи, кенг жамоатчилик билан мулоқотда бўлиши, умуман, жамиятга аралашуви ўзгаларга ҳам таъсир кўрсатади. Улар биринчи навбатда манфаатпараст бўлиб, ҳар қандай ишдан ўзига наф излайди. Ёлғончилик, такаббурлик уларнинг феъл-атворида мустаҳкам ўрнашади. Ҳаёлига келган ишни қилишдан тап тортмайдилар. Жиноятчиларнинг аксарияти ана шу гуруҳга мансуб. Улар ҳамма нарсага пул, мол-дунё билан ўлчайди. Илми йўқ, дунёқараши эса ўта саёз. Фақат ўзим бўлсам, дейди, ўзгалар билан иши йўқ.

Китоб ўқишга ҳафсала қилмайдиган кишининг ҳаёт йўли зерикарли. Шундай вазият бўлиши мумкин, у боши берк кўчага кириб қолади ва ўз саволларига жавоб излай бошлайди. Аммо у тўғри жавобни, тўғри йўлни топа оладими...

Замондошим, сиз китоб ўқишга одатланган бўлсангиз, эзгулик учун яшайсиз. Бирор танишингиз сиздан ёрдам сўраб келса, қўлингиздан келганича қайишасиз.

Китобхонлик — бир дунё ҳикмат. Бунга сабр-тоқат зарур, вақт топиш даркор. Ахборот тарқатишининг минг

ров китобни унга совға қилса ҳам ўқимайди. Айримлар Интернет, уяли телефон кабиларнинг юзага келиши туфайли китобхонлик йўқолди, деган фикрда. Аслида эса бундай эмас. Ваҳоланки, Интернетда дунё адабиёти дурдоналари жойлаштирилганки, қани энди ёшлар бу китобларни битта қолдирмай, ўқиб чиқишса.

Бир оғайним бор, оддий юк ташувчи, аммо китобларни, китобхонликни жуда қадрлайди. Ўзбек ва дунё ёзувчиларининг дурдона асарларини жавонига дид билан териб қўйган, биламанки, биттасини ҳам қолдирмай ўқиб чиққан. У билан давраларда кўп ўтирамыз, олий маълумотли дўст-биродарларим каби баҳс-мунозарага киришади, тортишади. Чунки унинг китоблардан олган билими, таассуротлари бир олам.

Хуллас, хоҳ бадиий, хоҳ илмий, хоҳ сиёсий китоб ўқиётган, бунга вақт ва имкон топа олаётган инсонгина ҳақиқий ҳаёт мазмунини англаб яшамоқда.

Насриддин БОТИРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси кутубхонаси  
матбуот хизмати котиби

## ТУТУНДАН ЗАҲАРЛАНИШ — ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ!

Маълумки, ёнгинлар вақтида баъзан инсонлар куйиш жароҳати олиш билан бирга, ёнгинда ажралиб чиқаётган тутундан заҳарланишлари кузатилади.

Ёнгин туфайли ҳалок бўлганларнинг 80 фоизини модда ва металлларнинг термик бўлиниши, ёниш жараёнида ажралиб чиққан моддалардан заҳарланганлар ташкил қилади. Фан ва техника ривожланиши натижасида саноатда, қурилишда ва аҳоли турар жойларида сунъий тайёрланган турли хил кимёвий модда ва материаллар қўлланилмоқда. Улардан хавфсизлик қоидаларига зид равишда фойдаланилаётганлиги туфайли ҳозирги вақтда ёнгин содир бўлиш эҳтимоли анча ошди. Афсуски, хонадонларимизда бизни ўраб турган нарсаларнинг ёнгин хавфи хусусиятлари ҳақида нафақат болалар, балки айрим вақтда катталар ҳам етарлича маълумотга эга эмас. Хоналарни безаб турган полимер материаллар, синтетикадан ясалган маҳсулот ва пластмасса буюмлар осон алангланади ҳамда инсоннинг соғлиги, ҳаёти учун хавфли тутун ажратиб чиқаради. Ёнгинда, асосан, ёш болалар юқори ҳароратдан эмас, балки рўзғорда ишлатиладиган жиҳозлар ёнгинда ажралиб чиққан заҳарли моддалар билан тўйинган тутун таъсирида ҳаётдан кўз юмадилар. Ҳаттоки шундай тутундан бир марта нафас олиш ҳам нафас йўлларини ишдан чиқариб ҳаёт учун хавфли ва аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ёнгин рўй бермаслиги учун олов билан муомалада масъулиятсизликка йўл қўймай зарур, деб таъкидлаймиз. Токи, биз ёнгин хавфсизлигига жиддийроқ ёндашмас эканмиз, ҳар йили юзлаб кишилар бу офатдан азият чекаверадилар.

Д.ЖАББОРОВ,  
Миробод туман ИИБ ЁХБ  
инспектори,  
кичик сержант

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ФОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР

Гуанжоу шаҳрида давом этаётган XVI Осиё ўйинлари кўплаб спорт ихлосмандларининг нигоҳида. Мазкур нуфузли мусобақа қитъамиздаги энг истеъдодли спортчиларни аниқлаш билан бирга 2012 йили Лондонда ўтадиган Олимпиада ўйинлари учун тайёргарлик вазифасини ҳам бажаради.



Ушбу улкан спорт анжуманида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган ватандошларимиздан халқимиз, табиийки, юксак натижаларни кутишмоқда. Чунки уларнинг ҳар қандай беллашувларда рақиблари билан тенгма-тенг кураш олиб боришлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Умумжамоамиз газнасига дастлабки олтин медални тақдим этган Ришод Собиров 60 килограмм вазн тоифасида қитъа дзюдочилари орасида тенгсизлигини исботлади. У бирин-кетин барча рақибларининг курагини ерга теккизиб, шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Ундан сўнг иккинчи олтин медал ҳам қўлга киритилди. Жаҳон чемпиони, гроссмейстер Рустам Қосимжонов тезкор шахмат бўйича биринчи ўринни банд этди. У 6 галаба ва 3 дуранг натижага эришди. Шуниси эъти-

борлики, бирор мартаба ҳам мағлубиятга учрамади. Шу тариқа жами 7,5 очко жамғарди ва Осиё ўйинлари чемпионига айланди.

Жамоамиз учун жуда зарур бўлган учинчи олтин медал велосипоидчи Владимир Тўйчиевга на-

Умидли вакилимиз — таэквондонинг WTF йўналиши бўйича Ўзбекистон чемпиони 74 килограммга вазн тоифасида ҳаракатланувчи Дмитрий Ким кумуш медал билан кифояланди. Яна бир таэквондончимиз Акмал Эргашев эса бронза медал билан тақдирланди.

Оғир атлетика бўйича ўтказилаётган баҳсларда 85 килограмм вазн тоифасида қатнашган Мансур Чашимов кумуш медални қўлга киритди. Тажрибали оғир атлетикнинг даст ва силтаб

амалда 4-ўрин учун етарли бўлди. Луиза Галиулина эса гимнастика устунида машқ қилиш бўйича яккалик баҳсларида иштирок этиб, 14,350 балл олди ва бронза медал билан тақдирланди.

Қайиқда академик эшак эшиш бўйича Руслан Наурузалиев ва Вячеслав Дитрих жуфтлиги юртимиз умумжазирасига навбатдаги кумуш медални келтирди. Шунингдек, академик эшак эшиш бўйича Осиё ўйинларида мусобақалашаётган терма жамоамиз (2000 метр) ўз ҳисобига бронза медални ҳам ёзишга улгурди. Академик эшак эшиш бўйича яккалик баҳсларида Зарина Михайлова, эшак эшиш бўйича саккизлик орасида Артем Кудряшов (енгил вазн) бронза билан рағбатлантирилди.

Осиё ўйинларида одатда ўзбекистонлик боксчилар жуда ҳам фаол қатнашади ва шахсий ҳисобда ҳам, жамоавий ҳисобда ҳам юқори натижани кўрсатади. Буни исботлаш учун 2002 йили Жанубий Корея ва 2006 йили Қатарда ўтган қитъа ўйинларида эришган зафарларимизни эслашнинг ўзи етарлидир.

(Давоми 16-бетда.)

## Osiyo o'yinlari kundaligi

сиб этди. У яккалик киммузариди барча рақибларини қувиб ўтишга муваффақ бўлди. Қизиғи, В.Тўйчиев саралаш баҳсларида у қадар ишончли қатнашолмаганди. Бироқ Осиё ўйинларига элтувчи лицензия қўлга киритилгач, у тинмай шуғулланди, ҳаракатини кучайтирди, натижада мақсадига эришиб, юзи ёруғ бўлди. Унинг Гуанжоудаги галабаси юртимизда велоспорт ҳам жадал ривожланиб бораётганидан далолат.

кўтариш борасида тўплаган баллари қўшилганда, 372 килограмм натижани ташкил этди.

Пекинда кечган ёзги Олимпиада орқали тилга тушган спорт гимнастикачиси Антон Фокин параллел брусда ҳаракатланиш бўйича 15,350 балл тўплади ва кумуш медал соҳибига айланди.

Яна бир иқтидорли вакиламиз Дарья Елизова брусда яхши натижага эришди, аммо у йиққан 13,750 балл

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларининг 1995-1996 ҳамда 1997-1998 йилларда туғилган ўқувчилари ўртасида ўн тўртинчи бор ўтказилган республика биринчилигининг финал босқичи якунланди.

## СУРХОНДАРЁЛИКЛАР ЭНГ КУЧЛИ

1995-1996 йилларда туғилган болалар ўртасида ўтказилган футбол мусобақасига Кумкўрғон шаҳри мезбонлик қилди. Барча рақибларини енгиб, ҳал қилувчи баҳсга йўл олган «Тошкент» ва «Кумкўрғон» жамоалари ўртасидаги ўйинда пойтахтликлар 1:0 ҳисобида имкониятни бой берди.

Термиз шаҳрида 1997-1998 йилларда таваллуд топган ёш футболчилар мусобақалашди. 12-13 ёшли ҳаваскор спортчилар ўртасидаги матчлар натижасига кўра ҳам сурхондарёлик ёшлар ўз иқтидорини намойиш этишга муваффақ бўлди. «Термиз» жамоаси вакиллари финалда андижонлик рақибларини 3:1 ҳисобида доғда қолдиришди. Шу тариқа, кучли учликни «Термиз», «Андижон» ва «Наманган» жамоалари эгаллади.

Юртимиз келажаги бўлмиш болаларни спортга ошно этувчи, ҳам маънан, ҳам жисмонан камолга етказувчи, иноклаштирувчи спорт турлари бўйича мусобақалар республикамизнинг ҳар бир вилоятида узлуксиз равишда ўтказилмоқда.



## ФАРҒОНАДА ПОЛВОНЛАР КУРАШДИ

Яқинда Фарғона шаҳрида «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соврини учун» 1996-97 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида кураш бўйича республика очик биринчилиги ўтказилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазибалар ижросини таъминлаш, таниқли спортчиларнинг мастер-класс чиқишларини ташкиллаштириш орқали ёшларнинг кураш борасидаги маҳоратини ошириш, юртимизда курашни янада ривожлантириш ва халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш мақсадларида уюштирилган мазкур мусобақада спортга меҳр қўйган ўнлаб ёш полвонлар тиламга чиқди.

Халқ таълими вазирлиги, БСРЖ, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамғармаси марказий кенгаши, «Паҳлавон» кураш спорт клуби, Фарғона вилоят кураш федерацияси билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу биринчиликда мамлакатимизнинг турли вилоят ва шаҳарларидан келган 387 нафар ўқувчи ғолиблик учун беллашди. Уларнинг 54 нафарини қизлар ташкил этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида кураш бўйича

икки карра жаҳон ва ўн икки карра Ўзбекистон чемпиони Абдурашид полвон Мирзаев, жаҳон ва Осиё чемпионлари Олим Равшанов ҳамда Муқаддас Кубаева иштирокида мастер-класс сабоқлари бўлиб ўтди. Улар спортнинг синовли оламига энди кириб келаётган навқирон авлод вакилларига ўз тажриба ва маҳоратларидан намуналар кўрсатди. Бу ҳолат мусобақа арафасида ёш полвонларга муҳим дарс вазифасини ҳам бажарди, дейиш мумкин.

Кураш мусобақалари чинакам шижоат ва куч-ғайрат туташган ҳолда ўтди. Полвонларнинг беллашувларини томоша қилиш, қўллаб-қувватлаш мақсадида келган отоналар ва бошқа меҳмонлар болаларнинг галабага бўлган интилишини, иштиёқини кўриб беҳад қувонишди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари улашилди.

МУХБИРИМИЗ



## ЧЕМПИОН ЮТҚАЗДИ

Яқинда футбол бўйича ФИФА регламенти-га мувофиқ дунё терма жамоалари ўртасида бир қатор ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтди. Унда эътиборли натижалардан бири Португалия ва амалдаги жаҳон чемпиони — Испания терма жамоаси ўртасидаги матчда кузатилди.

Португалияликлар Лиссабондаги «Эштадиу да Луж» стадионида қўтилмаганда испанларни 4:0 ҳисобида доғда қолдирди. Шунингдек, Криштиану Роналду урган гол инobatта олимпиада. Акс ҳолда ҳисоб янада йирик кўришни ҳосил қилиши мумкин эди.



Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Россия—Бельгия 0:2, Аргентина—Бразилия 1:0, Англия—Франция 1:2, Швеция—Германия 0:0, Голландия—Туркия 1:0, Руминия—Италия 1:1, Дания—Чехия 0:0, Польша—Кот-д'Ивуар 3:1, Австрия—Греция 1:2, Миср—Австралия 3:0, ЖАР—АҚШ 0:1, Саудия Арабистони—Гана 0:0, Кувайт—Ироқ 1:1.

## БЛИЦ-ШАХМАТ БИРИНЧИЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

Арманистонлик таниқли шахматчи Левон Аронян блиц-ўйин бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Москва шаҳрида ўтган «ақл кураши»-да 20 нафар гроссмейстер ғолиблик учун бир-бирини синовдан ўтказди.



«Новости» манбаси тарқатган маълумотга кўра, Аронян турнир сўнггида жами 24,5 очко жамғаришга муваффақ бўлган.

Сайёрамиз миқёсида ташкиллаштирилган нуфузли биринчилиكنинг иккинчи ўрин соҳибни озарбойжонлик шахматчи Теймур Ражабов бўлди. Кучли учликни эса норвегиялик вундеркинд Магнус Карлсен банд қилди. У 2009 йили айнан шу чемпионатда биринчи ўринга кўтарилганди. Сўнгги йилларда Карпов ва Каспаровга муносиб ворис бўлиш учун курашаётган рус шахматчиси Владимир Крамник эса еттинчи ўрин билан чекланди.

## ЯНГИ РЕКОРД УРНАТИЛДИ

«Формула-1»да беллашувчи «Red Bull» жамоасининг захира, аниқроғи, ўринбосар пойгачиси Даниэль Риккардо Абу-Даби шаҳридаги Яс Марин трассасида ўтказилган кимўзарда рекорд натижани қайд этди.

У ўзининг энг яхши натижасини 1:38.102 вақтда босиб ўтди. Унга қадар рекорд натижа Себастьян Феттелга тегишли эди, у мазкур трассани 1:39.374 вақт ичида ортда қолдирганди.

Иккинчи ўринни «Renault» вакили Жером Д'Амброзио (1:38.802 83) эгаллаган бўлса, учинчи ўринга «Mercedes» аъзоси Сэм Берд (1:39.220 82) кўтарилди.

Асфальт йўлда беллашув борасида бугунги ёш пойгачилар жуда ҳам яхши натижаларни қайд этмоқда. Хусусан, Жером Д'Амброзио, Михаил Алешин ва Сэм Берд шулар жумласидандир.

Яна бир ёрқин ёш пойгачилардан бири Давид Вальсекидир. У ўтган ҳафталикда GP2 мусобақасида қатнашганди. Энди эса у ҳам НРТ жамоаси сафида «Формула-1» пойгачилигига тақлиф этилди.

Ш.ЖУРАЕВА тайёрлади.

## Хурматли Равшан ФАЙЗИЕВ!

Сизни муборак 66 ёшлик таваллуд айёмингиз ҳамда педагогик фаолиятингизнинг 50 йиллиги муносабати билан чин юракдан қутлаймиз!

Баркамол авлоднинг тарбиялаш йўлида қилган машаққатли меҳнатингиз туфайли мамлакатимиз томонида «Шухрат» медали билан тақдирландингиз. Ҳамиша эл ардоғида бўлиб насиб этсин. Оила аъзоларингиз ва яқинларингиз бахтига доимо омон бўлинг.

Синфдошларингиз

# ХАМЮРТЛАРИМИЗ ГОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР




Риhsод СОБИРОВ (дзюдо)



Владимир ТУЧИЕВ (велотрек)




Рустам КОСИМЖОНОВ (резкор шахмат)




Антон ФОКИН (спорт гимнастикаси)  
(Давоми. Боши 15-бетда.)

Гуанжоудаги мусобақалар ҳам боксчиларимиз учун омадли бошланди. Андижон бокс мактаби тарбияланувчиси Шахриёр Исоқов иккинчи учрашувни ҳам ғалаба билан якунлади. Осиё чемпиони Санжарбек Раҳмонов қатарлик Абдурахмон Ал-Ходини (6:0) катта устунлик би-



Руслан НАУРЗАЛИЕВ ва Вячеслав ДИТРИХ (академик эшак эшиш)


лан энгди. Таниқли қўлқоп соҳиблари-Хуршид Тожибоев ни Шарқий Тимор Энрике Боргесага ўтказиб, навбатда-ичга йўлланма Икки карра жаҳон чемпиони бўлмиш Атоев ҳам хитойчи Жиантинг Жаночколар ҳисобида килди. Элшод Расулов қозоғистонлик Алмат Серимовдан 5:2 ҳисобида устун келди. Орзубек Шайимов (56 кг.гача) эса муддатидан олдин покстонлик Наимат Наиматуллоҳни энгди.



ч а р м  
дан бири  
илк жанг-  
вакили  
қ а р ш и  
г и б о с қ  
о л д и .

А б б о с  
лик бокс-  
ғни (8:7)  
мағлуб

Теннис бўйича аёлларимиз терма жамоаси аъзолари Нигина Абдураимова ва Сабина Шарипова дуэти вьетнамлик Ан Лам Тран ва Маи Хюни икки сетда 6:0, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Аёллар ўртасидаги яккалик баҳсида Сабина Шарипова тайландлик рақибаси Ноппаван



Луиза ГАЛИУЛИНА (спорт гимнастикаси)



Академик эшак эшувчиларимиз бронза медаль билан тақдирланди.



Дмитрий КИМ (таэквондо)

Лертчивакарни 3:6, 7:5, 6:2 ҳисобида мағлуб этди. Мурод Иноятов ва Албина Хабибулина жуфтлиги эса уммонлик ракеткачилар — Муҳаммад Ан-Набхани ва Фотима Ан-Набханини (6:2, 6:1) доғда қолдирди.

Шунингдек, Рустам Қосимжонов, Антон Филиппов, Алексей Барсов ва Жўрабек Ҳамроқуловдан иборат шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Мўғулистон термаси устидан 3:1 ҳисобида зафар қозонди. Шахмат бўйича аёллар жамоамиз — Нафиса Мўминова, Олга Сабирова, Юлдуз Ҳамроқулова ва Нодира Нодиржонова ҳам Жанубий Корея терма жамоасини (4:0) мот қилди.

Кеча байдаркада эшак эшиш ва оғир атлетикачимиз Иван Ефремов (105 кг.) ҳал қилувчи баҳсларини ўтказди. Футбол бўйича олимпиячиларимиз Жанубий Корея олимпиячиларига қарши ярим финал йўлланмаси учун майдонга чиқшди. Бироқ ўйиннинг иккинчи бўлимида футболчиларимиз бир киши кам бўлиб қолди. Асосий вақт 1:1 ҳисоби билан ниҳоясига етди. Ҳакам томонидан белги-ланган иккита қўшимча таймда рақибларимиз сон устунлигини сифат устунлигига айлантирди ва якуний ҳисоб 3:1 кўринишини олди.

Шундай қилиб, Гуанжоуда бўлиб ўтаётган Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларимиз жами 26та медаль жамғаришди: 3 оltин, 10 кумуш ва 13 бронза эвазига умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон номи кучли ўнталиқда қайд этилган.

Зоҳиджон ХОЛОВ

<p><b>Ma'rifat</b></p> <p><b>ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:</b> O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</p>	<p><b>Bosh muharrir:</b> Abdusamat RAHIMOV</p> <p>Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Uчитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.</p>	<p><b>Gazeta</b> O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>ИНДЕКС: 149, 150. G-1022. Tiraji 26930. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.</p> <p>Navbatchi muharrir: Sanjar RUSTAMOV. Navbatchi: Sherali NAMOZOV.</p>	<p>«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. belgisi ostida reklama materiallari beriladi.</p> <p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p> <p>E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz</p> <p>ТЕЛЕФОНЛАР: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p> <p><b>Dizaynerlar:</b> Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.</p> <p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.</p> <p>Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 00.15 Yza якуни — 00.10</p>
---	--	---	--	---